Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 24 (20. 591) • 1990 йил 28 январь, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

18 февраль—Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови куни

ҲАЛОЛ ВА ХОЛИС БЕЛЛАШАЁТГАНЛАР





✦ Янгийўл шаҳридаги 79-Янги ҳаёт округида бўлиб ўтган сайловолди конференцияси қатнашчиларининг фикри икки оддий ишчига келиб тўхталди. Кўпчилик овоз олган Ёғ-мой комбинати ва «Лаззат» қандолатчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси слесарлари Абдуғани Шералиев ҳамда Абдуманноб Қодировлар Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинди. Мухбиримиз айни кунларда ҳалол, холис сайловолди беллашувларига киришган ҳар икки ишчидан номзодлик программалари, ўй-режалари билан ўртоқлашишни сўради.

Абдуғани ШЕРАЛИЕВ,

Янгийўл шаҳридаги ёғ-мой комбинати ишчиси

— Тўғрисини айтсам, ҳали ҳам ҳаяжондаман. Номзодликка ўтаман деб кўпам ўйламаган эдим. Энди йигирма олтига кирдим. Комсомол аъзосиман. Ҳарбий хизматдан қайтиб комбинатда иш бошлаганимга бор-йўғи бешинчи йил кетяпти. Қолаверса конференцияга тавсия қилинганлар орасида бутун шаҳар танийдиган кишилар бор эди. Уларнинг орасида...

Йўқ акси бўлиб чиқди. Номзодим маъқулланди.

Мана битта масала. Янгийўл кичкина шаҳар. Аммо бу ердаги завод ва фабрикалар иккита шаҳарга етгулик. Ўнлаб корхоналар иш юритиб турибди. Хўш, бу завод ва фабрикалар социал муаммоларни ҳал этишга қандай кўмаклашмоқда. Шаҳардаги мактабларда ўн минг атрофида ўқувчи таҳсил кўраётганини, Янгийўл республикамиздаги энг болажон шаҳарлардан бири эканини ҳамма яхши билади. Аммо уларни қучоғига оладиган, саломатликларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган даргоҳлар етарлими? Афсуски йўқ.

Шаҳарнинг шундоққина яқинида ёғ-мой комбинатининг пионер лагери бор. Муъжазгина лагерда ёз ойлари саноқли болалар дам олиб қайтади. Кейин хотиржамлик. Ҳолбуки у ерда шифобахш минерал сув манбаи бор. Жой ниҳоятда баҳаво. Нега у ердан самарали фойдаланиш мумкин эмас? Ишга шаҳар ижроия комитети бош бўлса, ҳар бир корхона фойдасидан 50—100 минг сўмдан ажратма олинса жами 2 миллион сўмлик имкониятидан фойдаланмаяпмиз. Ҳолбуки, мавжуд аҳволни инобатга олиб, корхоналарнинг пландан ташқари олаётган қўшимча фойдасидан тегишли норматив бўйича Бутуниттифоқ республика бюджетига ўтказилаётган 30 фоиз тушумни шаҳарда қолдириш ёки камайтириш тўғри бўларди. Қолаверса бу йўналишдаги ишларни аниқ ҳисоб-китоб билан олиб бориш учун шаҳар ижрокомида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт бўлими ташкил этиш вақти келди.

Кейинги вақтда уй-жой муаммосини ҳал қилиш йўлида дадил қадамлар қўйилмоқда. Одамлардан ер қизғанилмайдиган бўлиб қолди. Уй-жой қуриш учун ер ажратиш, томорқа бериш кўпайганлигидан меҳнаткашлар мамнун. Аммо шундай шароитда ҳам шаҳар аҳолисининг уй-жойга бўлган талаби етарли қондирилмаяпти. Бу борадаги аризалар кўпайса кўпайяптики, камаймаяпти. Хўш, бу масалани қандай ҳал этиш мумкин? Ечимнинг йўли битта. Шаҳар атрофидаги хўжаликлардан 20 гектар ер ажратиб уни уй-жой қуриб олишлари учун муҳтож одамларга тақсимлаб бериш керак.

Айни вақтда бутун жамоатчилик, ҳар бир ишчини экологик вазият безовта қилмоқда. Бу муаммо бизнинг шаҳримиз учун ҳам бегона эмас. Биохимия заводининг чиқиндиларини тозалаш, зарарсизлантириш ҳақида жуда кўп йиғинларда айтиб чиқилди. Аммо гап гаплигича қолаётир. 1987 йилдан буён ана шу мақсад учун заводга Ленин номли колхоздан 6 гектар ер ажратиш масаласи ҳал этилмаётгани инсон саломатлигига бефарқ қараш-дан бошқа нарса эмас. Ҳолбуки бу тадбир ҳавога зарарли моддаларнинг чиқишини кескин камайтирган бўлар эди. Шаҳримиздаги аксарият корхоналарда 60-йиллардан буён фойдаланиб келинаётган эскирган, яроқсиз дастгоҳларни замонавийлари билан алмаштириш, завод ва цехларни реконструкциялаш суръатини тезлаштириш ҳам бугунги кун муаммоларидир.

Албатта, номзоднинг программаси фақат талаблардан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Яхши бошланган ишларга қанот бағишлаш, илғор тажрибаларни кенг ёйиш, кўпчилик манфаати нуқтаи назаридан иш тутиш керак. Республика Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастурида меҳнаткашларнинг туб манфаатларига дахлдор жуда муҳим вазифалар белгиланди. Кишилар ҳақида ғамхўрлик руҳи билан суғорилган бу дастурнинг амалга оширилишига астойдил кўмаклашаман.

Абдуманноб ҚОДИРОВ,

Янгийўл шаҳридаги «Лаззат» қандолатчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси

— Куни кеча халқ депутатлигига номзодлар мактабида шуғулланиб қайтдим. Машғулотларда депутатлик бурчи, республикамиз иқтисодиётига оид кўп қимматли фикрлар айтилди.

Қани ана шу нуқтаи назардан шаҳримизга бир назар ташлаб кўрайликчи. Айрим корхоналар хўжалик ҳисобига ўтди. Бундан завод ҳам, ишчилар ҳам яхшигина манфаат кўраяпти. Аммо шаҳар хўжалик ҳисобига ўтиш масаласида деп-синиб турибди. Бошқача айтадиган бўлсак, шаҳримизни ободонлаштириш, таъбир жоиз бўлса бойитиш иш бажариш мумкин.

Озиқ-овқат техникуми ўқувчилари билан суҳбатда бўлдим. Зерикиб қолишаётганини айтишди. Айниқса, ёғин-сочинлик кунларда кўнгил очадиган жой йўқ. Йигит-қизларга атаб шаҳар чеккасида кафе қуришганди. Унинг ёшлар учун тикланган кўпчиликнинг ёдидан кўтарилиб кетди. Нега улар учун кечаси ҳам ишлайдиган кутубхона, шахматшашка клуби бўлмаслиги керак? Ёшлар учун барча қулайликларга эга бўлган уй-жой комплекси қуриш мумкин эмасми? Мана шу каби қатор масалаларни ҳал этиш учун кураш жамоатчилик фаолиятимда муҳим ўрин тутади.

Албатта, ҳар қандай талаб-истак, ўй-режанинг амалга ошиши ўзи бўлмайди. Бунинг учун маблағ керак. Шунинг учун ҳам номзодларнинг ўй-режалари шароитдан келиб чиқиб белгиланиши керак.

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

27 январь куни Самарқанд область Каттақўрғон районидаги Тельман номли колхоз клубида 301-Қорадарё сайлов округи сайловчиларининг шу округдан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов билан учрашуви бўлиб ўтди.

Депутатликка номзод республикадаги ва бутун мамлакатдаги сиёсий ва ижтимоий вазиятни ҳар томонлама таҳлил қилиб берди, учрашув қатнашчиларини Ўзбекистондаги турмушнинг барча соҳаларида қайта қуриш жараёнлари қандай бораётганлиги, иқтисодиётни соғломлаштириш юзасидан ҳеч кечиктириб бўлмайдиган вазифалар, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови муносабати билан Ўзбекистон Компартияси ҳаракат дастурининг қоидалари билан таништирди. Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг асосий йўналиши — одамнинг барча зарур нарсаларга бўлган эҳтиёжларини ҳар томонлама қондиришдан, аҳоли турмуш даражасини оширишдан иборатдир. Иқтисодиётнинг хўжалик юритиш ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг янги принципларига ўтиши муносабати билан республика олдида турган муаммоларга катта эътибор берилди.

Учрашувда сўзга чиққан сайловчилар ўзлари халқ депутатлигига кўрсатган номзодга наказлар беришди. Бу наказларнинг кўп қисми қишлоқларни газлаштиришга, йўллар қуришга, аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан бандлигини кўпайтириш учун қишлоқ жойларида саноат корхоналари тармоғини ривожлантиришга тааллуқли эди.

И. А. Каримов тўпланганларнинг жуда кўп саволларига жавоб қайтарди, агар у республика халқ депутатлигига сайланса, юксак ишончни оқлаш учун ғайратшижоатини аямаслигини, бутун кучини халққа хизмат қилиш учун сарфлашини айтиб, учрашув қатнашчиларини ишонтирди.

Учрашувда Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари П. М. Абдураҳмонов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

Янгича ишлаш шарофати

✦ Мирзачўл районидаги Сегизбоев номли совхозда меҳнатнинг янги — ички кооператив усули қўлланила бошланди. Ишлаб чиқариш соҳалари бўйича тузилган кооперативлар қишки юмушларнинг сифатли ўтказилишини таъминламоқда.

Тажрибали деҳқонлар С. Юнусов, К. Мўлдабеков, Ш. Шукурхоновлар бош бўлган кооперативлар 350 гектарга яқин майдоннинг шўрини ювишга эришдилар. Агроном Қ. Қўнаров раҳбарлик қилаётган «Ҳосилдорлик» кооперативига ерларнинг унумдорлигини ошириш вазифаси юкланган. Шу боис кооператив аъзолари экин майдонлари тупроқ таркибини пухта ўрганиб, зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар. Ҳозиргача 1400 гектар майдонга минерал ўғит сепилди. Далага салкам 5 минг тонна маҳаллий ўғит чиқарилди.

Марказий ремонт устахонасида ташкил топган кооператив аъзолари техника ремонтини январь ойида тугатишни ўз зиммаларига олишди. Бу ерда бир пайтнинг ўзида ўрта мактабни тугатган ёшлардан 40 нафарига механизаторлик ва слесарлик касби ўргатилмоқда.

Чорвадорлар ютуғи

✦ Гулистон районидаги «Октябрь» колхози ўтган йил натижаларига кўра деҳқончиликнинг ўзидан салкам 2 миллион сўм даромад қилди.

Январь ойининг икки декадасида давлатга 87 тоннадан зиёд гўшт етказиб берилди. Бу — колхознинг ярим йиллик плани даражасидан зиёддир. Гўштга топширилаётган қорамол ва чўчқалар вазни, маҳсулот сифати кўзда тутилганидан анча салмоқли ва сифатли бўлмоқда. Чорвадорлардан С. Оққулов, М. Марченко ҳамда Н. Николаева кабилар колхозда чорвачиликни ривожлантиришга муносиб улуш қўшмоқдалар.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МАВСУМГА ҲОЗИРЛИК

Республикамиз қишлоқ меҳнаткашлари баҳор мавсумига тайёргарликни ҳозирданоқ қизғин бошлаб юбордилар. Илғор хўжаликларда барча асбоб-ускуналар пешма-пеш ремонтдан чиқарилмоқда. Чунончи Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхозининг бош устахонасида ҳам иш ҳар қачонгидан қизғин. Ремонтчилар экиш-тикиш агрегатларини тезроқ қўлдан чиқариш мақсадида мусобақани тобора авж олдирмоқдалар. Ҳозиргача 28 та ҳайдов, 56 та чопиқ трактори, 40 та культиватор ва 25 та сеялка мавсумга шай қилиб қўйилди. Ремонтчилар ўртасида кенг тус олган беллашувда моҳир уста Сирожиддин Ғозиев пешқадамлик қилмоқда.

Суратда: Сирожиддин Ғозиев.

Б. АЛИМОВ сурати.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИЯТНИ ОШИРИБ, МИЛЛИЙ ДАРОМАД ЎСИШИГА ЭРИШАЙЛИК

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 25 январь куни бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг 1989 йилги давлат плани ҳамда республика давлат бюджетининг бажарилиш якунлари кўриб чиқилди, республика партия-хўжалик фаоллари йиғилишларининг қарорлари асосида иқтисодиётни соғломлаштиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Қабул қилинаётган чора-тадбирлар ўтган йили халқ хўжалиги комплексининг айрим тармоқларини ривожлантиришда ижобий силжишларга эришиш имконини берганлиги мажлисда таъкидлаб ўтилди. Давлат бюджетининг даромад қисми 142 миллион сўм ошириб бажарилди. Фойдаланилган миллий даромаднинг 90 фоизидан кўпроғи ижтимоий эҳтиёжларга сарфланди.

Бироқ республика халқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволи ҳамон мураккаб бўлиб қолмоқда. Ишлаб чиқариш яхши ташкил этилмаганлиги, меҳнат ва технология интизоми бўшлиги, хўжалик юритишнинг янги шакллари, фан-техника тараққиёти ютуқлари амалиётга сust жорий этилаётганлиги, корхоналар мустақиллигини ривожлантиришдаги нуқсонлар натижасида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бунинг натижасида республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш суръатлари пасайди.

Ўзбекистондаги 312 та ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхонаси ишлаб чиқариш ҳажмини 1988 йилдагига нисбатан 631 миллион сўмлик камайтириб юборди. Шунинг учун шартнома мажбуриятларини ҳисобга олганда, маҳсулот етказиб бериш плани атиги 99 фоиз бажарилди. Биринчи галда металлургия, машинасозлик, химия ва агросаноат комплекслари, енгил саноат корхоналарида қолоқликка йўл қўйилди.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш камайганлиги ялпи маҳсулотни кўпайтиришга салбий таъсир кўрсатди. Ялпи маҳсулот ҳажми дастлабки маълумотларга кўра 10,4 миллиард сўмни ёки планга нисбатан 92,2 фоизни ташкил этди.

Республиканинг қурилиш комплекси тангликни бошидан кечирмоқда. Асосий фондларни ишга туширш плани атиги 83 фоиз бажарилди, 969 миллион сўмлик объектлар ишга туширилмай қолди, бу эса чала қурилишларнинг кўпайишига олиб келди. Ҳозир чала қурилишларнинг ҳажми 5,6 миллиард сўмни ташкил этади. Енгил саноат ва қурилиш материаллари қувватларини илдам ривожлантиришнинг муҳимлигини жойларда ҳали ҳам тушунишмаяпти, бу объектларни ресурслар билан биринчи навбатда таъминлаш йўлга қўйилмаяпти.

Мажлисда уй-жой, касалхоналар, мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларини қуриш давлат плани бажарилмай қолганлиги таъкидлаб ўтилди. Транспортда, алоқа соҳасида ҳамон аҳвол мураккаблигича турибди.

Енгил саноат корхоналарининг ишида айниқса катта камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилди. Ип газлама тармоғида тузукроқ ўзгаришлар рўй бермади, натижада 253 миллион сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилди. Маҳаллий саноат министрлигида маҳсулот етказиб бериш планини бажармаётган корхоналар кўпайди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлисида маҳсулот таннархи қимматлашгани, хўжасизлик ҳамда ишлаб чиқариш, технология ва меҳнат интизомининг бўшашиб кетганлиги энг муҳим вазифаларни ҳал этишда жиддий тўсиқ бўлиб қолаётганлиги таъкидланди. Бу шунга олиб келдики, республика корхоналарининг аксарият қисми молиявий кўрсаткичлар юзасидан белгиланган планни бир неча ўн миллион сўмлик миқдорда кам бажарди. Бир қанча министрлик ва идораларнинг, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг раҳбарлари молиявий аҳволни соғломлаштириш программаси қандай амалга оширилаётганлигини тегишлича назорат қилмаяптилар, иқтисодиётни хўжалик юритиш ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг янги принципларига ўтказиш шароитида республика ва территорияларнинг барқарор бюджетини шакллантиришни таъминлаш юзасидан аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб бормаяптилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шундан келиб чиқиб, қарор қилди: 10 февралгача министрликлар ва идоралар коллегияларининг, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг кенгайтирилган мажлисларида 1989 йилдаги ва беш йилликнинг тўрт йили мобайнидаги фаолият якунлари, иқтисодиётни амалий соғломлаштириш қандай бораётганлиги ҳар томонлама муҳокама қилинсин. СССР халқ депутатлари иккинчи съезди қарорлари, шунингдек Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови муносабати билан Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастурида баён этилган қоидалар ҳисобга олиниб, 1990 йилги давлат планида кўзда тутилган вазифалар сўзсиз бажарилиши таъминлансин.

Қабул қилинган қарорда истеъмолчиларга ва чакана савдога ишлаб чиқариш-техникавий йўналишдаги маҳсулотларни ҳамда халқ истъемоли молларини етказиб бериш юзасидан ўжалик шартномаларини, шунингдек пудрат ишлари юзасидан шартномалар тузишни ва капитал қурилишни маблағ билан таъминлаш учун ҳисоб-китоб дафтарчаси очишни қисқа муддатда тугаллаш кўзда тутилган. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги ишларни тубдан яхшилаш зарур деб ҳисобланди. Ишлаб топилмаган пуллар тўланиши имкониятини истисно этиш учун меҳнатга ҳақ тўлашга маблағ сарфини назорат қилишни кучайтириш лозим. Порахўрликка, чайқовчиликка, қўшиб ёзишларга қарши жуда қаттиқ кураш олиб бориш, одамларга бефарқ муносабатда бўлиш фактларига, социал адолат принципи бузилишига ўз вақтида ва принципиал баҳо бериш керак.

Мажлисда аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси биринчи галдаги вазифалар қаторида тилга олинди. «Аҳолини иш билан таъминлаш» комплекс программасини ишлаб чиқиш ва жорий этишга қарор қилинди. Программа 1990 йилда салкам 300 минг кишини иш билан таъминлашни, ўн учинчи беш йилликда эса республика аҳолисидан қарийб 1,5 миллион кишини жамоат ишлаб чиқаришига ва ўқишга жалб этишни кўзда тутади. Ана шу кадрлар, биринчи галда, халқ истъемоли моллари ишлаб чиқариш билан банд бўлган корхоналарга юборилади. Шу йилнинг ўзидаёқ халқ истъемоли молларини ишлаб чиқариш анча кўпайтирилади.

Медицина хизматини яхшилаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларига ёрдам кўрсатишга доир ижтимоий программаларни тубдан қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Одамларнинг бундай тоифаси учун шу йилдаёқ республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан, шунингдек корхоналарнинг маблағларидан қўшимча 142 миллион сўм пул сарфланади. «Меҳр-мурувват», «Ғамхўрлик», «Ёшлар» республика комплекс программаларини ишлаб чиқишга катта маблағлар ажратишга қарор қилинди.

Мажлисда мактаблар ва мактабгача тарбия болалар муассасаларини фойдаланишга топширишни барбод қилишга йўл қўйиб бўлмаслиги таъкидланди. Республиканинг барча областлари ва районларида одамларга якка тартибда уй-жой қуриш учун ер ажратиш юзасидан аниқ бир мақсадга йўналтирилган ишларни давом эттириш зарур. Маҳаллий ҳокимият органлари, манфаатдор ташкилотлар ва идоралар шахсий ёрдамчи хўжаликларни кенгайтириш, янги газ қувурларини ётқизишга доир ишларни давом эттиришлари керак. Улар фаолиятида қишлоқ жойларидаги аҳолини сув билан ишончли тарзда таъминлаш масалалари устун йўналиш бўлиши даркор. Уз томорқаларида сабзавот ва мева етиштириш, чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш билан шуғулланаётган қишлоқ аҳолиси куч-ғайратларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш талаб этилади.

Бу йил барча корхоналар, ишлаб чиқаришлар, цехлар ва участкаларни экологик жиҳатдан рўйхатдан ўтказишни назорат остига олиш зарур. Экологик жиҳатдан соғломлаштиришнинг конкрет тадбирларини, уларни маблағ ва ресурслар билан таъминлаш манбаларини аниқ-равшан белгилаб олиш керак.

Манфаатдор ташкилотлар ва идоралар пахта териш техникасининг янги намуналарини яратишни тезлаштириш юзасидан катта ва аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни бажаришлари лозим бўлади.

Қарорда моллар ва парандаларни қишдан нобуд қилмасдан олиб чиқиш, яқин вақт ичидаёқ бутун қишлоқ хўжалик техникаси комплексини тўла-тўкис тайёрлаб қўйиш биринчи даражали аҳамиятга молик вазифа эканлиги таъкидланади. Бу йил барча пахтакор хўжаликларни 1- ва 2-категориядаги уруғлик билан таъминлаш керак бўлади. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар кенг тармоғини вужудга келтириш юзасидан бир қанча тадбирлар ишлаб чиқилган ва жорий этилмоқда.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги ҳамда Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги, Тошкент шаҳрида қурилиш ишларини олиб борувчи Ўзбекистон ССР Бош бошқармаси, республика Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети олдида масъулиятли, вазифалар турибди. Улар 1989 йилдан бу йилга ўтган объектларни биринчи кварталда ишга туширишлари, халқ истъемоли моллари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун мўлжалланган корхоналар қурилишидаги қолоқликни тугатишлари даркор. Улар уй-жой ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган объектларни топиришдаги қолоқликни бартараф этишлари керак.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлисида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилди. Бу масалалар қабул қилинган қарорда ўз аксини топди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

КПСС Марказий Комитети Идеология комиссиясининг мажлиси

КПСС Марказий Комитети Идеология комиссиясининг 26 январь куни Москвада бўлиб ўтган навбатдаги мажлиси қайта қуришда В. И. Ленин назарий меросидан фаол фойдаланиш масалаларига бағишланди. Мажлисда идеология муассасаларининг раҳбарлари, жамиятшунос олимлар, маданият арбоблари, партия ходимлари иштирок этдилар.

Уч ойдан кейин В. И. Ленин туғилган кунига 120 йил тўлади, деди мажлисни очар экан комиссия раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, партия Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев. Илгари Ленин юбилейлари дабдабали тадбирларга айлантириб юборилар, ўша пайтдаги раҳбариятни ортиқча мақташга айланиб кетар эди. Ленинча принципларга амал қилишга ваъдалар тобора маросим тусини касб этар эди. Ленинча принципларга амал қилишга қасамёд этилар, аммо амал қилинмас эди.

Бугунги кунда Ленин меросига мурожаат қилиш долзарблигини юбилей тадбирлари эмас, балки ижтимоий тараққиётимизнинг қатъий эҳтиёжлари, турмушнинг барча томонларини чуқур ўзгартириш, ижтимоий онг соҳасидаги мураккаб жараёнлар тақозо этмоқда. Қайта қуриш Ленин меросини чинакам ижодий англаш, Ленинни назарётчи, сиёсатчи ва инсон сифатида тушуниш муаммосини ҳар қачонгидан кўра ўткир қилиб қўйди. Совет жамияти ўз-ўзини англаш ва ўзини ўзи янгилашдан иборат поклониш йўлига кирган ҳозирги пайтда Ленин тўғрисидаги сохта фикрларга, шунингдек кўр-кўрона мақтовлар ва қоралашларга бизнинг маънавий турмушимизда ўрин бўлиш мумкин эмас.

Шундай кейин муҳокама бўлиб ўтди. Муҳокамада КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг директори Г. Л. Смирнов, КПСС Марказий Комитетининг секретари «Правда» газетасининг бош муҳаррири И. Т. Фролов, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг проректори И. И. Антонович, драматург М. Ф. Шатров, «Советская культура» газетасининг бош муҳаррири А. А. Беляев, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти В. Н. Кудрявцев, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг ректори Р. Г. Яновский, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар институтининг ректори Ю. А. Красин, СССР Фанлар академиясининг президенти Г. И. Марчук, Москва Олий партия мактабининг профессори Н. Н. Маслов, Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси М. Ф. Ненашев, «Советская Россия» газетасининг бош муҳаррири В. В. Чикин, РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Г. Захаров, КПСС Вологда область комитетининг биринчи секретари В. А. Купцов, Халқ таълими давлат комитети раиси Г. А. Ягодин сўзга чиқдилар.

В. А. Медведев муҳокамани якунлади. У В. И. Ленининг ғоявий-назарий меросига холис баҳо бериш зарурлигига, икки яхлит вазифани ҳал этишга: ленинизмни ақидапарастлик хусусиятларидан халос этишга ва уни ҳозирги пайтдаги сохталаштирувчилардан ҳимоя қилишга; ленинизмни жамиятимизни социалистик янгилаш вазифаларини ҳал этиш билан мустаҳкам алоқада ижодий ривожлантиришга алоҳида эътиборни қаратди. Ушбу масалалар, деди Марказий Комитет секретари, тобора кенг авж олдириладиган съездолди мунозарасининг марказида турибди.

Бўлиб ўтган мажлис материаллари матбуотда эълон қилинади.

Комиссиянинг 1989 йилдаги фаолияти натижалари муҳокама этилиб, келгуси йилга мўлжалланган иш плани қабул қилинди.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МИНИСТРЛИГИНИ ТУГАТИБ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МИНИСТРЛИГИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МИНИСТРЛИГИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги тугатилсин. Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим иттифоқ-республика министрлиги ва Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги тузилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 27 январь.

КПСС XXVIII съезди олдидан: коммунист нуқтаи назари

МЕЗОН — ИШЧАНЛИК ВА ФАОЛЛИК

СУҲБАТДОШИМИЗ: Фотима ҲАМИДОВА — Учқўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз сут соғувчиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси.

— Фотима Ҳамидовна, Сиз ҳамиша қишлоқ меҳнаткашлари орасида бўласиз. Ҳозир уларни қандай муаммолар ташвишга соляпти?

— Айни пайтда қишлоқ меҳнаткашларини ишсизлик муаммоси ташвишга солмоқда. Лекин бу янги муаммо эмас. Қиш ойларида қишлоқ меҳнаткашларини иш билан таъминлаш масаласи мен эсимни таниган, пайтдан, яъни 30—35-йилдан буён долзарб муаммолигича қолиб келмоқда. Узоқ йиллар давомида бу борада айтарли бирор иш қилинганни йўқ. Мана ҳозир ҳам қишлоқ хўжалигида, далада иш тугаган. Ёз ойларида қишлоқда яшайдиган аҳолининг бир қисми иш билан таъминланмаган бўлса, эндиликда уларнинг ҳаммаси ёппасига ишсиз ўтиришибди. Бу турғунлик ҳолати то эрта баҳоргача, яъни 3—4 ой давом этади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, планни ошириб бажарган баъзи хўжаликларнинг меҳнаткашлари-ку ёз бўйи қилган меҳнатлари эвазига озми-кўпми қўшимча ҳақ олишади. Қолганлар-чи? Планни бажара олмаган хўжаликда меҳнат қилган, 8—10 нафар фарзанди бор оилаларнинг аҳволи нима кечади? Сир эмас, айрим оилалар қиш ойларида соғин сигирини, баъзилари ўзлари учун қишга жамғариб қўйган мева-сабзавот маҳсулотларини сотиб тирикчилик қилишга мажбур бўладилар. Ҳафталаб гўшт истеъмол қилмайдиган оилалар қанча? Буларнинг ҳаммаси қишлоқ фақат хом ашё базасига айланиб қолаётгани оқибатида рўй бермоқда.

Ўзим меҳнат қилаётган чорвачиликка келсак, бу соҳада ҳам ҳамкасбларимни ташвишлантираётган талай муаммолар бор. Узоққа бормай бир мисол келтираман. Ҳар бош соғин сигирни хўжалик ўртача ҳисобда 1,5 минг сўмга сотиб олади. Орадан 14—15 йил ўтгач бу сигир қариб сутдан, наслдан қолгандан кейин ҳам унинг нархи 1,5 минг сўмдан пасаймайди. Бу давр ичида ўша сигирдан соғилган сут ҳам, олинган насл ҳам, умуман у келтирган фойда ҳисобга олинмайди. Бунисн ҳам майли-я, наҳотки шу соҳа мутахассислари сигир 15 йилдан кейин ҳам қаримайди, деб ўйлашса. Ахир бу табиат қонунини инкор этиш-ку? Юқоридан туриб мана шундай нотўғри планлаштириш оқибатида бугунги кунда чорвачилик зарарли соҳага айланиб қолди. Аслида эса мол, қўй асраган одам кам бўлмаслиги керак. Бундан ташқари қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида меҳнат қилган кишилар йил охирида бир сўмларига бир сўм атрофида қўшимча ҳақ оладилар. Аммо чорвадор қандай меҳнат қилишидан қатъи назар бир сўмга 15—20 тийингина қўшимча ҳақ олади, холос.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси сифатида пленумларда, республика миқёсидаги анжуманларда мана шу муаммоларни ўртага ташласангиз бўлмайдими?

— Мен ўрта маълумотли, оддий бир ишчиман, Марказий Комитет пленумларида юқорида айтилган муаммоларни мендан кўра юз чандон яхшироқ биладиган, гапга чечан раҳбарлар, мутахассислар ҳам иштирок этишади. Ҳар гал ўшалар гапирар, деб умид қиламан. Ўшбу муаммолар ҳақида ўзим ҳам гапирмоқчи бўламан-у, лекин тил билмаслигим сабабли тортинаман.

— Тил билмаслигим сабабли дейсизми?

— Худди шундай. Марказий Комитет пленумларининг ҳаммаси рус тилида олиб борилади. Мен эса бу тилни билмаганим сабабли ҳатто пленумда қандай муаммолар ҳақида сўз бораётганини ҳам тушунолмай қоламан.

— Демак, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумларига ҳам номигагина бориб келаркансизда?

— Очиғи илгарилари шундай бўларди. Ҳозир эса ундай эмас. Охирги икки пленумда синхрон таржима орқали доклад ва музокаралар ўзбек тилига таржима қилиб бериляпти. Бу — Марказий Комитетнинг мен каби рус тилини яхши билмайдиган аъзолари учун жуда қўл келяпти.

— Энди яхши тушунаётган бўлсангиз, ана шу анжуманларда оддий меҳнаткашларнинг дилидаги гаплар айтиляптими? Сизнингча, қабул қилинаётган қарорлар ҳаётга ҳамоҳангми, йўқми?

— Тўла ҳамоҳанг деб бўлмайди. Негаки пленумларда, турли анжуманларда айтилган гаплар, қабул қилинган қарорларнинг ҳаммаси ҳам амалга ошаётгани йўқ. Қолаверса, юқорида мен таъкидлаган муаммолар ҳақида сўз юритилиб, аниқ чора-тадбирлар кўрилмаяпти. Колхозчи, меҳнаткашларнинг турмуши ҳамон оғирлигича қолмоқда. Қишлоқларни газлаштириш, бу жойларда маданият ўчоқларини барпо этиш каби бир қатор социал муаммолар ҳал этилмаяпти. Шунинг учун ҳам қишлоқдан ёшлар кетиб қолишмоқда. Бугунги кунда деҳқон касбини ардоқлаб қадрлайдиган авлодни тарбиялашимиз, уларнинг она-заминга муҳаббатини, меҳрини тиклаш учун жон куйдиришимиз лозим. Акс ҳолда партия ва ҳукуматимизнинг қарорига биноан аҳолига берилаётган томорқалардан ҳам самарали фойдаланиб бўлмайди, фақат ернинг умри ўтади, холос.

Бундан ташқари савдо соҳасида ҳам талай муаммолар тўпланиб қолди. Оддий колхозчилар, ишчилар учун магазин пештахталаридан камёб моллар асло топилмайди. Тўй ва бошқа маъракалар учун зарур бўлган нарсаларни фақат чайқов бозоридан топиш мумкин. Жамиятимизга доғ тушираётган бундай иллатларни тугатмасдан туриб партия ва совет органлари қарорларини муваффақиятли амалга ошириб бўлмайди.

— Шу каби муаммоларни ҳал этишда, партия қарорларини ҳаётга татбиқ этишда ўзингиз қандай фаоллик кўрсатяпсиз? Марказий Комитет аъзоси сифатида район, область миқёсида қандай ишларни амалга оширдингиз?

— Мен кундалик партия қарорларини ҳеч бўлмаганда ўз фаолиятимда, коллективимиз ҳаётида амалга оширишга, ҳаётимиздаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этишга ҳаракат қиляпман. Шахсий план топшириқларимни ортиғи билан бажаришга эришяпман. Ўзимга биркитилган 39 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 3000 килограммга етказиб сут соғиб оляпман. Коллективимиздаги оммавий-сиёсий ва ташкилий ишларда ҳам шогирд ва ҳамкасбларимга намуна бўлишни ўз бурчим деб биламан. Сут-товар фермамиз активлари билан биргаликда ишчиларнинг яхши дам олиб, самарали меҳнат қилишлари учун қулай шароитлар яратдик. Фермамизда сауна, дам олиш ҳамда оммавий-сиёсий ишлар хоналари ишлаб турибди. Район, область миқёсида эса очиғи бирор ишни амалга ошира олганимча йўқ.

— Марказий Комитетнинг бирор топшириғини бажардингизми?

— Йўқ, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолигига кандидат ва ҳақиқий аъзолик фаолиятим давомида Марказий Комитет томонидан ҳеч қандай топшириқ олмаганман.

— Хизмат юзасидан районга келган партия, совет органлари вакиллари сайлаб қўйилган коммунистлар билан учрашиб, бирор масала юзасидан уларнинг шахсий фикри билан қизиқяптиларми?

— Очиғи, илгарилари обкомдан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидан келган вакиллар бунга эътиборсиз қарашар, фақат ўз ишларини битириш билан кифояланишар эди. Кейинги пайтларда сайлаб қўйилган партия фаолларига нисбатан муносабат тубдан ўзгарди. Масалан, кейинги бир йил ичида обком вакиллари мен билан бир неча марта суҳбатлашдилар. Масалан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходими Анорбой Миродилов яқинда областимизда бўлганида мен билан ҳам учрашиб суҳбатлашди. Районимизда, умуман областимизда янгиланиш, покланиш жараёни қандай бораётгани, бу борада коммунистлар қандай роль ўйнаётгани билан қизиқди. Мен баҳоли қудрат билганимча ўз фикримни айтдим. Аммо бу учрашув яна бир жиҳати билан менда бошқача таассурот қолдирди. Мен Марказий Комитет аъзоси эканлигимни, партия ва ҳукуматимиз менга юксак ишонч билдирганини шу топда янада чуқурроқ ҳис этдим. Ўз бурчимга, атрофимда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга нисбатан бошқача масъулият билан қарай бошладим. Қанийди, Марказкомнинг мен сингари оддий меҳнаткаш аъзолари фақат йиғилишларда ўтириб қабул қилинаётган қарорларни маъқуллаш билангина кифояланиб қолмай, ана шу қарорларнинг бажарилишида ҳам фаол иштирок этсак.

— Кейинги йилларда партиянинг обрўси тушиб кетди, деган фикрга қандай қарайсиз?

— Бу фикрга унча қўшилмайман. Тўғри, кейинги пайтларда баъзи партия аъзолари нопок ишларга қўл уриб, коммунист деган номга доғ туширдилар. Лекин бу партиянинг обрўси тушиб кетди, деган гап эмас. Негаки партия сафида бундай нопок одамлар жуда озчиликни ташкил этади. Бироқ шунга қарамай партиянинг обрўсини ошириш ва янада мустаҳкамлаш учун курашиш зарур. Бунинг учун эса ҳаётимиз, бутун фаолиятимиз мезони — ленинча принципиаллик ва ҳаллоллик бўлиши лозим. Бу Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастурида ҳам таъкидланди. Оддий бир меҳнаткаш сифатида менинг ҳам қатъий фикрим ана шундай.

— Охирги савол: Литва Компартияси XX съездининг «КПСС Литва республика ташкилотини қайта тузиб, мустақил Литва Компартиясига айлантириш тўғрисида» қабул қилган қарорига сизнинг муносабатингиз қандай?

— Мен бу қарорни қатъиян қоралайман. Сабаби — барча иттифоқдош республикалар ягона Иттифоққа бирлашганидек, республикаларимиз Компартиялари ҳам ягона иттифоқда — КПСС таркибида бўлишлари зарур ва лозим. Фақат ягона партиягина барча кучларни жамиятни революцион янгилаш учун курашга жиплаштираолади. Фақат КПСС таркибида бўлибгина бутун мамлакат ва ҳар бир иттифоқдош республика олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш йўлларини топиш, мамлакат тақдири учун, социализм ва коммунизм тақдири учун тарихий масъулият даражасида бўла олишни амалда намойиш этиш мумкин. Бу — менинг шахсий фикрим. Колхозимиз бошқа коммунистлари ҳам худди шундай фикрдалар. Ана шулардан келиб чиқиб, мен литвалик партиядошларга «Сизлар янглишяпсизлар, сизларнинг тутган йўлингиз хато йўл, ҳали кеч эмас, бу йўлдан қайтинг» дейман. Чунки куч-қудратимиз — бирликда ва аҳиллиқдадир. Мана шуни сира эсдан чиқармаслигимиз керак.

Суҳбатни «Совет Ўзбекистони» мухбири А. МАДАТОВ ёзиб олди.

Суратда: Фотима Ҳамидова.

• Ўзбекистон ССР Прокуратурасида

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ — ҚОНУН КУЧИ БИЛАН

Ўзбекистон ССР прокуратураси коллегиясининг кенгайтирилган мажлисида ўтган йилги иш якунлари чиқарилди, СССР халқ депутатлари иккинчи съезди қарорлари, партия ва ҳукуматнинг программавий ҳужжатлари асосида республика прокуратураси органларининг вазифаси муҳокама қилинди. Мажлисда коллегия аъзоларидан ташқари, бўлимларнинг етакчи ходимлари, областлар ва Тошкент шаҳрининг прокурорлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ва Ўзбекистон ССР Олий судининг раҳбарлари, республика юристлар уюшмаси, ўқув юртлари ва илмий адлия муассасаларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ССР прокурори Д. А. Усатов докладида ва нутқларда ҳозир республикада юз берган вазият, жиноятни келтириб чиқараётган сабаблар, жиноятчиликнинг аҳволи ва унга қарши курашни кучайтириш тадбирлари батафсил ва танқидий таҳлил қилинди. Уюшган жиноятчиликка алоҳида эътибор берилди, бундай жиноятчилик мамлакатимизда қайта қуриш жараёнида вужудга келган қийинчиликлардан устамонлик билан фойдаланиб қолишга, эл бошига тушган кулфат ва тақчилликлардан фойдаланиб мўмай пул топишга, ҳалол одамлар ҳисобига ғайриқонуний тарзда бойлик орттиришга уринаётган кимсаларнинг ҳуқуққа хилоф ва жамоатчиликка қарши фаолияти энг хавфли шаклларидан биридир.

Республикада уюшган ва касбга айланган жиноятчиликнинг ўсиши тенденцияси бугун ёки кеча пайдо бўлгани йўқ, деб таъкидланди. Бу тенденциялар қайта қуриш бошланмаган йиллардан бери давом этиб келмоқда ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт қийинчиликлари, ахлоқий ва маънавий қадриятларнинг завол топиши, ижтимоий интизом ва масъулият сусайиб кетганлигининг бевосита оқибатидир. Бу салбий тенденциялар фақат Ўзбекистонгагина хос бўлиб қолмай, булар бутун мамлакат учун умумий бўлган жараёнларнинг бир қисмидир. Совет парламенти аъзоларининг яқинда бўлиб ўтган съездида бу масала жуда қизғин муҳокама қилингани бежиз эмас, халқ депутатлари қабул қилган қарорга кўра, ҳозир жиноятчилик, жумладан, жиноятчиликнинг уюшган шаклларига қарши курашни кучайтиришнинг Умумиттифоқ программаси ишлаб чиқилмоқда.

Республикамизда ҳам шунга ўхшаш программа тайёрланмоқда. Мажлисда мазкур программани ишлаб чиқиш долзарб масала бўлиб турганлиги, ҳуқуқни муҳофаза этишга доир энг қатъий тадбирларни тезроқ жорий этиш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистонда таркиб топган вазият шундан тобора яққолроқ далолат бериб турибдики, бу ерда бир-бири билан мураккаб бир тарзда чатишиб кетган жиноятчилар тўдаларидан иборат жиноятчилик механизми фаол иш кўрмоқда, яширин экономика булар мавжудлигининг моддий негизидир.

Мавжуд оператив маълумотларга кўра, ҳозир республикада 30 та атрофида жиноятчи тўдалар бор, бу тўдаларнинг ҳар бирида бир нечтадан уюшган жиноятчи гуруҳлар ишлаяпти. Буларнинг энг йириклари Тошкент шаҳри ва Тошкент областида, Фарғона водийсида, Самарқанд ва Бухорода иш кўрмоқда. Ўтган йили ички ишлар органлари бир ярим мингдан кўпроқ жиноятчи гуруҳлар ва бошқа тузилмаларни фош этдилар, улар атрофига 5 мингдан кўпроқ ижрочилар уюшган бўлиб, уларга касби кори ўғирлик бўлган, жиноятчилар оламида «обрў» орттирган кишилар бошчилик қилишган. Мажлисда жиноий таъмагирлик, яъни рэкет республикада тобора кенг ёйилиб бораётгани ҳақида таҳлика билан гапирилди. Рэкет ҳозирги шароитда жиноятчиликнинг жуда хавфли уюшган шаклларидан бирига айланди.

Тўғри, ҳозир кўп жиҳатдан давлат хавфсизлиги органларининг ёрдами туфайли ана шу жиноий иллатга қарши курашда муайян тажриба орттирилди. Айни вақтда, деб таъкидланди мажлисда, Ўзбекистонда уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг умумий аҳволи хотиржамлик учун сира-сира сабаб бўла олмайди. Область, шаҳар прокурорлари, ҳуқуқни муҳофаза этиш бўлинмалари раҳбарлари шанига жиддий эътирозлар ва танқидий мулоҳазалар айтилди, улар ё уюшган жиноятчилик хавфига етарлича баҳо бера олмаётирлар ёки унга қарши сийқаси чиққан, яроқсиз бўлиб қолган усуллар билан курашишга уринмоқдалар. Прокуратура органлари, ҳуқуқни муҳофаза этиш бўлинмалари билан баҳамжиҳатликда республиканнинг ҳамма ерида жиноятчи тузилмаларни фош этиш ва уларнинг пайини қирқишнинг аниқ ва самарали программасини таъминлашлари, қонун талабларига, СССР халқ депутатлари съездининг йўл-йўриқларига тўла мувофиқ тарзда шундай ишларнинг ҳар бири судда тез ва сифатли кўрилишига эришиб, жиноятларни тергов қилиш устидан таъсирчан назоратни амалга оширишлари керак.

Мажлисда такрорий жиноятчиликка, балоғатга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг ўсишига қарши курашни кучайтириш йўллари қизғин муҳокама қилинди. Жиноий тузилмалар худди ана шу муҳитдан ўзларига резерв қидириб топмоқдалар, деб таъкидлашди нотиқлар. Мажлисда келтириб ўтилган маълумотларга кўра, ўтган йили фош этилган гуруҳларнинг иштирокчилари орасида ҳар беш кишидан бири илгари судланган эди. Тажриба шундан далолат бериб турибдики, жазони ўтаб келган кишиларга баъзан рисоладагидек яшаш жуда мураккаб бўлиб қолади: ишончсизлик, асосланмаган чеклашлар баъзан уларни ишга жойлашиш, оила рўзғорини тебратиш имкониятидан маҳрум этади. Маҳаллий Советлар, уларнинг ижроия комитетлари, доимий комиссиялар кўпинча бу масалалар билан фақат расмият учунгина шуғулланмоқдалар. Конкрет жиноий ишларни ўрганиш натижалари шундан далолат бериб турибдики, илгари судланиб жазони ўтаб келган шахслар баъзан мафия хизматига боришга мажбур бўлиб қоладилар ёки ўзлари уюшган гуруҳларнинг ташкилотчиларига айланадилар.

Умуман 1988 йилга нисбатан ўтган йили республикада такрорий жиноят қилиш 31,3 фоиз ортди. Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё, Тошкент областларида, Қорақалпоғистон АССРда, Тошкент шаҳрида бундай жиноятларнинг ўсиши, айниқса, сезиларлидир. Ана шу областлар, Қорақалпоғистон ва Тошкент шаҳри прокурорларига ўз регионларидаги оператив вазиятни пухта ўрганиб чиқиш, «қайталама» жиноятчиликни туғдираётган шарт-шароит ва сабабларни синчиклаб ўрганиш, бу иллатни тугатиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш таклиф этилди. Коллегия прокуратура органларининг вазифаси — озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшаб келган гражданларнинг ҳаётга қўнникишини тартибга солиб туришга қаратилган қонунларнинг бажарилиши, ички ишлар органлари томонидан маъмурий назорат тўғрисидаги қоидаларга қатъий риоя этилишини ҳамиша назорат қилишни таъминлашдан иборатлиги таъкидлади.

Балоғатга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг ўсиб бораётганлиги ҳам ташвишлидир, деб таъкидланди муҳокама чоғида. Ўтган йили республикада бу кўрсаткич 18,7 фоизни ташкил этди. Хоразм, Самарқанд, Тошкент областларида, айниқса, аҳвол нохуш, бу ерларда болалар ва ўсмирлар содир этган жиноятлар бир йил ичида бир ярим баравардан зиёдроқ ортди. Бухоро области, Қорақалпоғистон АССР ва Тошкент шаҳрида бундай жиноятлар сезиларли даражада кўпайди. Бу ўринда гап беозор шўхликлар ҳақида бораётгани йўқ; балоғатга етмаганларнинг ўзи ёки улар иштирокида қасддан ўлдириш, йўлтўсарлик, талончилик, давлат мулкини ва гражданларнинг шахсий мулкини ўғирлаш сингари оғир жиноятлар содир этилди.

Ана шундай жиноятлар истиқомат жойларида, ўқув юртларида болалар ва ўсмирлар орасида тарбиявий иш сусайгани ёки умуман бундай ишнинг батамом йўқлигидан далолат бериб турибди, дейишди нотиқлар. Балоғатга етмаганлар орасидаги жиноятга қарши курашнинг энг таъсирчан усули — жиноятнинг олдини олишдир, деб таъкидланди мажлисда. Болалар ва ўсмирлар ўртасида ҳуқуқий ишни ҳуқуқ бузилиши содир бўлгандан кейин эмас, балки ҳали ҳуқуқ бузилиши содир этилмасдан бошлаш керак: болаларни қонунга, ижтимоий одоб ва ахлоқ нормаларига ҳурмат руҳида аниқ мақсадни кўздаб тарбиялашни болалар боғчасидан ва мактабдаги бошланғич синфлардан бошлаш керак. Афсуски, бу ишда ҳали ҳам анчагина расмиятчилик бор. Жонкуярлик қилинмаяпти. Прокуратура органларининг ходимлари кўпинча ўз ваколатларини амалга оширмаяптилар.

Коллегия ҳамма соҳаларда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботга риоя этиш юзасидан ишни яхшилаш, прокурор назоратини такомиллаштириш, қайта қуриш шароитида, республикамизнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида рўй бераётган реал ўзгаришлар шароитида прокуратура органларининг фаолияти самарадорлигини ҳар томонлама ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа бир қанча жиҳатларни ҳам кўриб чиқди.

Мажлисда СССР прокуратураси бошқармасининг бошлиғи Л. П. Баранов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

ДЎСТЛИК МАДҲИ

Ульянов район «Ленинчи» газетаси яқинда ўзининг бутун бир сонини миллатлараро муносабатларга бағишлаб чиқарди. Район том маънода байналмилал районлардан бири. Бу ерда 45 миллатга мансуб кишилар яшаб, меҳнат қилади. Масалан, К. Маркс номли ўрта мактаб коллективининг ўзи 20 миллат вакилларидан ташкил топган. «III Интернационал», «Пахтакор», «Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги», «Ғалаба», Дзержинский номли совхозлар, 243-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна, Ульянов пахта тозалаш заводи, 88-автокорхона коллективлари ҳам кўп миллатли.

Газетанинг «Куч-қудратимиз манбаи» сарлавҳали бош мақоласида КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил сентябрь Пленуми қарорлари асосида райондаги корхона, ташкилот ва хўжаликларда амалга оширилаётган ишлар чуқур таҳлил этилган. Район партия комитети секретари М. Ҳусановнинг «Синовларда тобланган дўстлик», 88-автокорхона инженери Е. Ашмарованинг «Ҳамкорлик самараси», «Пахтакор» совхози партия комитети секретари Г. Азизовнинг «Муҳим вазифа», уруш ва меҳнат ветерани Т. Бобоевнинг «Бағри кенглик», Ульянов пахта тозалаш заводи ишчиси О. Ҳосиловнинг «Қадрдонмиз» сарлавҳали мақолалари ва бошқа материалларда кўпмиллатли район меҳнаткашлари дўстлиги, ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилаётган ибратли ишлар ҳақида ҳикоя қилинган.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА — СИФАТЛИ УСКУНАЛАР

Республикамиз пойтахтининг илғор корхоналаридан бири «Ташэлектромаш» заводида тайёрланаётган кўпдан-кўп машина-ускуналар Сифат белгиси билан чиқарилмоқда. Шу туфайли улар республикамиздаги, ҳатто чет эллардаги истеъмолчиларнинг диққатини ўзига тортмоқда. Чунончи, корхонада ишлаб чиқарилаётган пайвандлаш трансформаторлари мамлакатнинг қатор шаҳарларига ва ҳорижий мамлакатларга жўнатилиб турибди. Маҳсулотларга ортиб бораётган талабларни ҳисобга олган коллектив кундалик ва ойлик топшириқларни ҳар доим ортиғи билан бажаришга интилмоқда. Корхона бу йил ана шундай трансформаторларнинг ўзидан 44500 тасини тайёрлашга аҳд қилган.

Суратда: техника назорати бўлими ходимларидан А. Судакова ва М. Мағомаевалар жойларга юборилаётган ускуналарни синчиклаб кўрикдан ўтказмоқдалар.

М. НУРИДДИНОВ сурати.

Озарбайжон ва Арманистондаги вазиятга доир

Боку шаҳрида кейинги икки кеча нисбатан осойишта ўтди. Вазият назорат қилинмоқда. Ҳарбий комендант генерал-лейтенант В. Дубинякнинг бу эрталабки хабари шаҳарда аҳвол яхшиланиб бораётганлигининг аломатлари пайдо бўлганлигини таъкидлаётган ТАСС махсус мухбирларининг фикрларига тўғри келади. Ўтган кеча ўқ овозлари эшитилмади.

Ҳукумат уйи олдидаги марказий майдондан зирхли техника олиб кетилди. Тўғри, денгиз вокзали биноси олдида, баъзи бошқа маъмурий ва давлат муассасалари олдида ҳали ҳам ҳарбий машиналар турибди.

Озиқ-овқат, нон дўконлари очилмоқда. Умумий овқатланиш корхоналари дарвозаларига осилган «ёпиқ» деб ёзилган тахтачалар олиб ташланмоқда. Транспорт ҳам қисман ишлаяпти. Кўчаларда ва йиғилишларда одамларнинг бир-бирларига муомалалари ҳамда суҳбат мавзулари ўзгармоқда. Одамлар Бокуда яшаётган турли миллат кишилари ўртасига нифоқ солиб қилинаётган ғиғвогарликларга учмаслик ҳақида тез-тез гапирмоқдалар.

Ҳали ҳам озиқ-овқат етишмаслиги сезилмоқда. Сут дўконлари олдида одамлар навбат кутиб туришибди. Лекин «Союзпечать»нинг сўнгги кунлар ичида илк бор очилган дўкончаларида навбат кутаётганлар ниҳоятда кўп. У ерда рус тилидаги «Бакинский рабочий» ва озарбайжон тилидаги «Саҳар» газеталарининг кеча чиққан сонлари сотилмоқда.

Бензин етишмаслиги сабабли кўп машиналар йўл чеккаларида турибди. Ҳозирча телевидение ҳам сукут сақламоқда.

Бироқ ташқи осойишталик ортида ҳали ҳам ички кескинлик яширинган. Ўз жиноий хатти-ҳаракатлари барбод бўлганлигини тан олишни ҳоҳламаётган экстремистик кайфиятдаги гуруҳларнинг раҳбарлари Советларга қарши, партияга қарши ва армияга қарши кайфиятларни авж олдиришга уринмоқдалар. Улар корхоналар, транспорт, ўқув муассасалари, оммавий ахборот воситалари ишини тиклаш ва у ерларда меҳнат маромини йўлга солиш борасидаги куч-ғайратларга ҳалақит беришмоқда. Ғиғвогарлик мазмунидаги варақаларни тарқатишга уринишлар бўлмоқда.

Маъмурларга ва ҳарбий қўмондонликка жамоат тартибини сақлашда зарур ёрдам беришга тайёр турган Боку аҳолиси тобора кўпроқ ташаббус кўрсатмоқда. Жамоатчилик вакиллари шаҳарликларни вазиятга тўғри баҳо беришга, тартиб ўрнатишга, одатдагидек бир маромда ҳаёт кечиришга чақирмоқдалар. Республика радиоси орқали шаҳар зиёлилари ва оқсоқоллари вакилларининг мурожаатномаси ўқиб эшиттирилди. Унда миллатлараро ихтилофлар келтириб чиқарувчи ғиғвогарона миш-мишлар қораланади. Юзага келган муаммоларни зудлик билан ҳал этиш, экстремистларнинг хатти-ҳаракатларини қоралаш зарурлиги тўғрисида фикрлар айтилиб, ҳамжиҳатликка даъват қилинди.

Боку ҳарбий комендантининг хабарига кўра, ўтган кеча-кундузда икки киши жиноят қилганлиги учун, 34 киши маъмурий тартибни бузганлиги учун, 111 киши комендантлик соатига риоя этмаганлиги учун ушланди. Битта граната, 284 та ов милтиғи патрони ва 4 та совуқ қурол тортиб олинди. Қўшинларнинг шахсий состави қуролдан фойдаланмади, деди комендант.

Қуролли террорчилар вужудга келтирган кескинликнинг асосий манбалари тугатилди. Ички ишлар министрлиги ички қўшинлари, Давлат хавфсизлиги комитети ва Совет Армиясининг бўлинмалари 26 январь куни ўтказган қаттиқ ҳаракатлар натижасида Озарбайжоннинг бир қанча шаҳарларида террорчи гуруҳларнинг раҳбарлари қамоққа олинди. «Халқ фронти» жангариларининг Боку шаҳридаги муҳим маъмурий биноларни, шунингдек қамоқхоналар ва изоляторларни босиб олиш режалари барбод бўлди.

Озарбайжон халқ фронти штабларида мингдан ортиқ ҳарбий нусхадаги кийимлар, кўплаб ўқ-дори борлиги аниқланди. Бундан ташқари урйиқитлардан сўнг ОХФ аъзолари қўлига тушиб қолган арманларнинг телефон рўйхатлари, исм-шарифлари, қаерда туришлари ёзилган рўйхатлар, омонат дафтарчалари, паспортлари, шахсий буюмлари ҳам бор экан. Десантчи жангчилар Жалилобод районида «Миллий мудофаа комитети» деб аталмиш маҳаллий комитет қуролли террорчиларининг бир гуруҳини зарарсизлантирдилар. Уларнинг 11 нафари ушланди.

Бугун Степанакерт темир йўл станциясига қурилиш материаллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ортилган иккита состав келди. Областдаги баъзи аҳоли пунктлари орасида автобус қатнови тикланди. Йўловчилар тушган автобуслари ҳозирча ҳарбийлар кузатиб боришмоқда. 26 январдан телефон алоқаси яна ишлай бошлади.

Тоғли Қорабоғ автоном области аҳолисининг кўпчилиги миллатлараро можаро ривожланишининг бутун хавфхатарини тушуниб, областда фавқулодда ҳолат жорий этилганлигини ижобий қабул қилди. Лекин баъзи масъулиятсиз унсурлар аҳволнинг нормаллашиш жараёнига ҳалақит беришга уринмоқдалар. Шушадаги телестанция миллатчилик, Советларга қарши мазмунда бир қанча эшиттиришлар кўрсатди. Ана шундай эшиттиришлар тайёрлагани учун ҳарбий комендант телемарказ директорини расмий равишда огоҳлантирди.

Степанакерт шаҳрида маъмурлар «Қорабоғ ҳаракати» деб аталмиш ҳаракат фаолларидан ғиғвогарлик қилганликлари учун жами 7 кишини қамоққа олганлар. Бу чора-тадбирларни арман ва озарбайжон аҳолиси асосан аҳволни барқарорлаштиришга ёрдам берувчи тадбир сифатида қабул қилди.

Республикада кескинликнинг пасайишига ҳали кўп нарсалар халақит бермоқда. Локомотив бригадалари ишга чиқмаётганлиги сабабли 33 мингтадан кўпроқ вагон тўхтаб қолган, Шимолий Кавказ темир йўлларида эса Озарбайжон темир йўли томонга бораётган 200 дан ортиқ юк поезди тўпланиб қолди. Денгиз порти, корхоналарнинг кўпчилиги ишламаяпти.

Арманистон билан Нахчиван АССР ўртасидаги чегарада тангликни пасайтириш учун ҳаракат қилинмоқда. 25 январь куни Арманистонда қурол-яроғларни қўлга туширишга уриниш ҳоллари бўлмади. Тўғри, жангариларнинг вакиллари бўлинмалардан бирининг қўмондонлигига катта пул эвазига қурол сотишни таклиф этишга уриндилар.

Давлат чегарасида секинаста тартиб ўрнатилмоқда. Лекин кескинлик сақланиб турибди.

«Халқ фронтлари» ва бошқа норасмий гуруҳларнинг баъзи арбоблари арманозарбайжон можаросидан келиб чиққан фожиадан сиёсий обрў орттиришга уринмоқдалар.

(ТАСС).

• Эртага Тошкентда Ўзбекистон театрларининг фестивали очилади

✦ Бултур март ойида Тошкентда машҳур драматург, совет драматургияси ва театр санъати ленинномасининг ҳассос ижодкорларидан бири Михаил Шатров меҳмон бўлган эди. Драматург билан суҳбатлашганимизда у бир фикрни алоҳида урғу бериб таъкидлади. «Иттифоқимиздаги Театр арбоблари уюшмалари орасида, — деган эди у. — Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси алоҳида фаоллиги ва изланувчанлиги билан ажралиб туради».

Фестиваль арафасида Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси правлениесининг раиси, СССР халқ артисти, СССР халқ депутати **Бернора ҚОРИЕВА** билан мулоқотда бўлдик.

— Фестивалнинг биринчиси бултур ўтди, деб расмийлаштирилган бўлсада, — дейди Б. Р. Қориева, — театрларимизнинг илк кўриги саксон саккизинчи йилда уюштирилган эди. Шунинг учун ҳам ўтган йили фестивалга республикамизнинг йигирмадан ортиқ театри ўз спектакллари билан қатнашди.

Фестивалнинг аҳамияти ҳақида тўхталадиган бўлсак, шуни алоҳида мамнуният билан таъкидлаш керакки, бу анжуман республикамиз бадиий маданияти, хусусан, театр санъати ривожига сезиларли таъсир кўрсата бошлади. Аввало, спектакларнинг тематикаси ранг-баранглашяпти. Бадиий коллективлар даврга мос, ҳамнафас асарлар саҳналаштириш учун бор имкониятлардан фойдаланишга интилмоқдалар. Режиссёрлар ўзаро тажриба алмашиб, оригинал спектакллар ярата бошладилар. Буни иккинчи фестиваль репертуарига киритилган асарлар мисолида ёрқин кўришимиз мумкин.

— **Фестиваль репертуари ҳақида қисқача гапириб бersangиз.**

— Бу ижодий кўрикда республикамизнинг ўн икки театри ўз спектакли билан қатнашмоқда. Масалан, Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек Академик драма театри коллективи яқинда ўз мухлисларига ҳавола этган «Пуч» спектаклини фестиваль программасида кўрсатишга қарор қилди. Драматург Абдуқаҳҳор Иброҳимов қаламига мансуб бу асар турғунлик йилларида рўй берган воқеаларни акс эттиради. Фестиваль худди шу асар билан очилади.

А. Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта театри А. Хачатуряннинг «Чиполлино» асарини намойиш этади. Қорақалпоғистон АССРнинг Станиславский номидаги театри Тошкентга икки спектакль билан ташриф буюрди. Унинг А. Отаниев асари асосида саҳналаштирилган «Эрназар олакўз» спектакли фестиваль программасида кўрсатилади. «Ўмирбек лаққи» спектакли эса конкурсдан ташқари намойиш этилади.

Тошкентдаги М. Горький номидаги рус Академик драма театри «Устаси фаранг» (Д. Поунэлл асари) спектаклини фестиваль жюриси назарига ҳавола қилади. Муқимий номидаги ўзбек Давлат музикали театри эса яқиндагина премьераси бўлиб ўтган «Мушкул савдо» спектакли билан қатнашмоқда. Драматург М. Бобоев ва композитор Ҳ. Раҳимовнинг бу асари оригиналлиги, томошавийлиги, характерли талқинлари билан диққатга сазовор.

Фестивалда Й. Охунбобоев номидаги Андижон область театри «Чорраҳа» (А. Жаббор асари), «Ёш гвардия» театри «Паранжи сирлари» (Ҳамза), А. Мажидий номидаги Каттақўрғон шаҳар драма театри «Насриддиннинг бошидан кечирганлари» (Ю. Азимзода), Тошкент Давлат оперетта театри «Миллионер аёл» (Е. Глебов), А. Навоий номидаги Наманган область театри «Бу телба дунё» (И. Турсунов), Огаҳий номидаги Хоразм область театри «Олма пишганда келинг» (Э. Самандаров, К. Раҳимов), Қарши шаҳридаги «Мулоқот» театр-студияси Ҳамза асарлари асосида саҳналаштирилган спектаклларини намойиш этадилар.

Бу галги фестивалдаги янгиликлардан бири шуки, унда қардошларимиз — Тожикистоннинг Нов шаҳридаги театр, шунингдек, Қирғизистоннинг Ўш область театри санъаткорлари ҳам ўз спектакларини кўрсатадилар. Биринчи коллектив Жуманиёз Жабборовнинг «Ўжарлар» комедиясини саҳналаштирган бўлса, иккинчи театр Ўзбекистон ССР халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» драматик достонини саҳнага қўйиб, Тошкент анжуманига олиб келди.

Кўрик кунлари Тошкентдаги «Илҳом» ва «Дард» театр-студиялари ҳам ўз спектакларини томошабинларга кўрсатадилар.

— **Яна қандай янгилик бор?**

— Фестивалда энг яхши деб топилган, Бош мукофотга сазовор бўлган спектаклнинг ижодкорлари ва ижрочилари келгуси йили тўғридан-тўғри Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотига тавсия этилади.

— **Ғолибларни қандай мукофотлар кутмоқда?**

— Бош совринга сазовор бўлган коллектив келгуси йили Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон театрларининг Наврўз регионал фестивалида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади. Иккинчи ўринга муносиб кўрилган театрга эса ўз спектаклини Москвадаги Халқлар дўстлиги театрида кўрсатиш учун йўлланма берилади. Шунингдек, энг яхши режиссура учун, аёл ролининг энг яхши ижроси учун, эркак ролининг энг яхши ижроси учун бериладиган мукофот ва совринлар ҳам ўз эгаларини кутмоқда.

Иккинчи фестиваль ҳам мураффақиятли ўтишига ишонамиз. Келажакда янги-янги асарлар яратиб, ўз мухлисларини бир-бирига ўхшамаган талқинлар, ижрочиликлар билан хушнуд этишни, қайта қуриш даъватларига муносиб фаолият кўрсатишни, Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастурида таъкидланганидек, замондошларимизнинг маданий-маънавий савиясини оширишга ҳисса қўшишни театр санъати ижодкорлари ўзлари учун муқаддас вазифа деб биладилар.

Суҳбатни «Совет Ўзбекистони» мухбири

Ю. БЕРДИЕВ олиб борди.

Бернора ҚОРИЕВА:

• ҒОЛИБЛАРНИ «НАВРЎЗ» КУТАДИ

Й. Охунбобоев номидаги Андижон область музикали драма театрининг ёш драматург А. Жаббор пьесаси асосида саҳналаштирилган «Чорраҳа» спектаклидан бир саҳна.

С. КАГАН сурати.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● Ўрта Осиё темир йўлида юк ва пассажир поездларни ҳаракатини кузатадиган диспетчерлар дисплейлардан фойдалана бошладилар. Диспетчерлар ана шу дисплейлар ёрдамида поезд составларининг ҳаракати тўғрисида йўл бошқармаси ҳисоблаш марказига келаётган хабарларни ўз вақтида оладилар.

● Тошкентда ҳаваскор темирйўлчилар техника ижоди клуби ташкил этилди. Унинг техникавий негизи ҳали унча кучли эмас — ҳозирча токарлик, пармалаш ва чархлаш ускуналаридан пайвандлаш аппарати ва рўйхатдан чиқариб юборилган электрон қурилмасидан фойдаланишмоқда. Айни вақтда темир йўл рационализаторлари ва ихтирочилари амалга оширадиган режалар анча кўп. Ана шу ғояларни амалга ошириш учун маблағ ишлаб топишда хўжалик ҳисоби ёрдам беради.

● Ангрендаги даволаш-жисмоний тарбия муолажа муассасаси янги бинога кўчиб ўтди. Бинокорлар бу иншоотни аниқ белгиланган муддатда ва аъло баҳо билан топширдилар. Бу ерда жисмоний тарбия билан даволаш ва турли хил машқлар ўтказиш учун мосланган заллар, уқалаш ва табиий усул билан муолажа қилиш хоналари ишлаб турибди. Шифокорлардан маслаҳат олиш ҳам мумкин. Шифохона бутун даҳа аҳолисига хизмат қилади.

(ЎзТАГ).

АЛМАШЛАБ ЭКИШ — ҲОСИЛДОРЛИК ОМИЛИ

САМАРҚАНД, 27 январь. (ЎзТАГ). Бу ерда илмий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишни жорий этишга, қишлоқ хўжалик экинларини оқилона жойлаштириш ва ғўза агротехникасига бағишланган республика семинар-кенгаши ўз ишини тугатди. Унда область партия комитетларининг қишлоқ хўжалиги масалалари билан шуғулланувчи секретарлари, область ва район агросаноат уюшмаларининг раислари, пахтакор хўжаликлар ва алмашлаб экиш участкаларининг раҳбарлари, мутахассислар, олимлар қатнашдилар.

Семинар қатнашчилари қишлоқ хўжалигини қайта қуриш, пахта майдонларини камайтириш, ижара пудратини кенг ривожлантириш ва ерларнинг анчагина қисмини томорқа участкаларига ажратиб бериш шароитида алмашлаб экишни тўғри ташкил этиш усулларини муҳокама қилдилар.

«Союзхлопок» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўрта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти олимлари, Ўзбекистон ер тузилиши институти мутахассислари тўпланганларга тавсиялар бердилар.

Кенгаш қатнашчилари Пастдарғом районидаги «Ўзбекистон», Жомбой районидаги «Октябрь» колхозлари ва Пайариқ районидаги Охунбобоев номли совхоз тажрибаси билан танишдилар.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. И. Икромов нутқ сўзлади.

АГРОСАНОАТ ХАБАРЛАРИ

Бўз районидаги ремонт ишлаб чиқариш бирлашмасида шу кеча-кундузда иш қизғин. Айниқса, А. Маткаримов, М. Жўраев, А. Умаров сингари механизаторлар техника ремонтини намунали ўтказишмоқда. Устахоналар янги, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлангани ва ишларни тезкорлик билан амалга оширишга ёрдам бермоқда.

Ш. ҲОШИМОВ.

* * *

Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхозининг Юсуфжон Отабоев бошлиқ бригадаси ўтган йили ҳар гектар майдондан мўлжалдаги 31 центнер ўрнига 33 центнердан хирмон кўтарганди. Илғор коллектив айни кунларда баҳорги экиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрмоқда. Ариқларни тозалаш, далаларга ўғит чиқариш ишлари авжида.

М. АБДУҚОДИРОВ.

• Вагонлар ҳаракати — ишнинг баракати

Янги йил кириб, темирйўлчиларнинг иши ҳам тиғизлашиб қолди. Бироқ темир йўл билан ўзаро шартномалар тузиб иш юритаётган қатор саноат, қурилиш ташкилотлари ва халқ хўжалиги бошқа тармоқлари идоралари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини вақтида адо этмай, темир йўл вагонлари ҳаракатига халақит бермоқдалар.

— Айниқса, январь ойининг ўтган кунларида юк станцияларида аҳвол оғирлашди, — дейди Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Нурмат Эрметов. — Жойлардаги айрим корхона, ташкилотлар темир йўл вагонларининг имкониятларидан тўла фойдаланишга бефарқ қараяпти.

Юзага келган бу вазиятни у январь ойининг дастлабки ўн кунлигидаги баъзи рақамлар тили билан кенг шарҳлади. Жумладан, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўз вақтида бўшатилмаган юкли вагонлар сони 4 минг 660 тани ташкил этди. Бу нимани кўрсатади? Бу лоақал шуни кўрсатадики, темир йўл хизматидан фойдаланувчи кўпгина корхона-ташкилотлар ўзаро имзоланган шартномалар ижросига беписанд қараяптилар.

Оқибатда қандай аҳвол юз берганига эътиборингизни жалб этамиз. Тошкент бўлинмасида 192 вагон вақтида бўшатиб берилмади. Сирдарё областидаги станцияларда 173 вагон қантариф қўйилди. Фарғона водийсида 453 вагон юк тушириш станцияларида нормадан ортиқ туриб қолди. Сурхондарёдаги аҳвол бундан ҳам оғир. Самарқанд, Бухорода 216-181 тадан вагондаги халқ хўжалиги юклари белгиланган муддатларда тушириб олинмади.

СУСТКАШЛИК

Албатта, вагонлар ҳаракатига хўжасизларча муносабат юзасидан тегишли чоралар кўрилди. Масалан, темир йўл бўйича юк ортиш-тушириш майдонларида белгиланган муддатларга амал қилинмагани учун корхона-ташкилотлардан 13317,9 минг сўм жарима ундирилди. Лекин гап жудаям жарима ундиришда эмас. Жарима тартиб-интизомни қарор топтириш юзасидан кўрилган бир тадбир, холос. Бироқ Тошкент бўлинмасида, вагонлар 2,6 соат кўп ушлаб қолингани инсоф доирасига кирадими? Фарғона, Бухоро областларида ҳам жаримачилар кам эмас.

Агар вагонлар ҳаракатда бўлсагина уларнинг халқ хўжалигига нафи тегади. Юк ортиш ёки тушириш жараёнларида кўпгина вагонларнинг умри бекор ўтяпти. Бунга аксарият «Главташкентстрой», Қурилиш давлат комитети, Қишлоқ хўжалиги давлат-кооперация комитети, Савдо министрлиги корхона ва ташкилотлари сабаб бўлмоқда. Бу тармоқлар корхона-ташкилотлари варгонлардан оқилона фойдаланиш йўлларини излаш у ёқда турсин, мавжуд имкониятларни ҳам бой бераётирлар. Ангрен ГРЭСига келтирилган 75 вагон, Янгийўл районидаги «Янгиобод» совхозига юборилган 8 вагон кўмир 8—10 кунлар мобайнида ҳам тушириб олинмади. Каттақўрғон ёғмой комбинатида 9 вагон, Қашқадарё областида 187 вагон анча вақт ўтса ҳам бўшатилмади.

Биз ушбу мақола ёзилишидан аввал Наманган областидаги Чортоқ, Роустон юк станцияларида, Бухородаги «Зарафшон», Самарқанддаги Жомбой станцияларида ҳам бўлдик. Бироқ бу жойларда вагонлар ҳаракатини тезлаштиришга нисбатан масъулиятсизликни кўрдик. Станциялардан юк олувчилар тунги сменаларда, шанба ва якшанба кунлари юк туширишни ташкил этиш билан қониқарсиз шуғулланмоқдалар.

Бундай сусткашлик халқ хўжалиги турли тармоқларининг бўш вагонларга бўлган эҳтиёжини қондиришда қийинчиликлар туғдириб, иқтисодиётда олға қараб қилинадиган ҳаракат одимларини чеклаб қўймоқда. Афсуски, январь ойи иккинчи ўн кунлигидаги аҳволда ҳам жиддий ўзгариш рўй бергани йўқ.

У. МУҲАМЕДОВ.

ИШОНЧДАН МАҲРУМ БЎЛГАН ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ

Халқ депутатлари Тошлоқ район Советининг навбатдан ташқари ўтказилган сессиясида кутилмаган воқеа содир бўлди. Депутатлар ижроия комитетининг бутун составига ишончсизлик билдирдилар.

Шундан сал илгарироқ, 18 январь куни бўлиб ўтган Тошлоқ район партия комитети бюросининг мажлисида район Совети ижроия комитети аҳолига қарз бериш ва енгил автомобилларни тақсимлашда йўл қўйган жиддий хатолар тўғрисидаги масала кўриб чиқилган эди. Район партия комитетининг бюроси қуйидагиларни таъкидлади: район ижроия комитетининг раиси А. Ҳожимуродов ва унинг ўринбосари Т. Қамбаров хизмат вазифаларини суиистеъмол қилганлар. Уй-жой қуриш учун аҳолига узоқ муддатли қарз бериш ва енгил автомашиналарни сотишда ижтимоий адолат принципларини бузганлар. Жиддий хатоларга йўл қўйганликлари учун халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси А. Ҳожимуродов ва унинг ўринбосари, район план бўлимининг раиси Т. Қамбаров КПСС аъзолари сафидан чиқарилди. Район Совети ижроия комитетининг бошқа аъзолари ҳам ишда жиддий хатоларга йўл қўйганликлари учун қаттиқ партиявий жазо олишди.

Район Советининг навбатдан ташқари ўтказилган сессияси қатнашчилари муддат тугашига салкам бир ой қолганида ижроия комитетининг барча аъзоларига ишончсизлик билдирдилар ва уларни ижроия комитети аъзолари вазифасидан озод қилдилар. Сессияда район Совети ижроия комитетининг янги состави сайланди. Тошлоқ район Карл Маркс номли колхоз правлениесининг раиси К. Даминов ижроия комитетининг раиси бўлди.

Сессия ишида Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари, СССР халқ депутати Ш. М. Йўлдошев, Фарғона область ижроия комитетининг раиси Г. Фозилов иштирок этдилар.

В. ТАТАРИНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ҲАЙЪАТИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг 26 январь куни Тошкентда бўлиб ўтган умумий йиғилишида республика сўз усталарининг кучларини жипслаштириш тўғрисида гап борди. Йиғилиш қатнашчилари ижодий уюшманинг ҳозирги босқичдаги вазифаларини муҳокама қилдилар. Республика Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг биринчи котиби Одил Ёқубов доклад қилди.

Кейинги икки йил давомида ижодий уюшманинг турмуши бирмунча фаоллашганлиги қайд этилди, миллий адабиётлар кенгашлари тузилди, адабий кечалар ўтказилди. Ёш қаламкашларга кўпроқ эътибор берила бошлади. Шу вақт ичида анчагина янги романлар, шеърий асарлар муҳокама қилинди. Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистонда истиқомат қилаётган ўзбек адиблари билан алоқа йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, деб таъкидлашди сўзга чиққан кишилар, Ёзувчилар уюшмасида асосий, ижодий масалаларни ҳал этишдан чалғитувчи, ҳамкасбларни можароларга тортувчи турли гуруҳлар кураши ҳам бўлиб турди. Бундай вазият ижодий муҳитга кўмаклашмайди. Уюшма секретарнатининг баъзи аъзолари сусткашлиги, улар ҳатто муҳим мажлисларга ҳам келмаслиги қайд этиб ўтилди.

Йиғилиш қатнашчилари Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг котиблари Муҳаммад Солиҳ, Тоҳир Малик, Николай Гацунаевларнинг қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисоботини тинглади.

Йиғилиш иштирокчилари Озарбайжон ва Арманистон адибларига мактуб қабул қилдилар. Мактубда ана шу республикалардаги фожиали воқеалар муносабати билан қайғу изҳор қилинади ҳамда мулоҳазакор бўлишга ва ҳамжиҳатлик ўрнатишга даъват этилади.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ў. Р. Умарбеков қатнашди.

(ЎзТАГ).

Дунё овози

ОЛИМПИАДАГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР

АФИНА. Греция ҳукумати Грециянинг 1996 йилги Олимпиада ўйинларини Афинада ўтказиш тўғрисидаги расмий таклифи баён этилган тадбирни бу ерда бўлиб ўтган мажлисда маъқуллади. Греция миллий Олимпиада комитетининг бу ҳужжатни январь ойининг охирида халқаро Олимпиада комитетига топширади.

Унда Афина Олимпиада ўтказиладиган жой деб танланса уни ўтказиш учун зарур маблағ ажратилишига кафолат берилади.

(ТАСС).

Ҳиндистонда тантаналар

ДЕҲЛИ, 26 январь. ТАСС мухбири Михаил Капустин хабар беради: Бугун Ҳиндистон пойтахтидаги Раж-Патҳе марказий кўчасида мамлакатнинг миллий байрами — республика кунига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Бундан 40 йил муқаддам Ҳиндистоннинг бу мамлакатни суверен демократик республика деб эълон қилган конституцияси амал қила бошлади.

Байрамона безатилган Раж-Патҳе кўчасида ҳарбий парад бўлиб ўтди. Бу парадда жўшқин ривожланаётган мамлакатнинг ҳарбий қудрати намойиш қилинди. Турли штатлар ва иттифоқ территорияларининг, министрликлар ва давлат корпорацияларининг вакиллари тушган ғалати кўчма платформалар ҳаёт манзараларидек кўз ўнгимиздан ўтди. Бихара артистлари мустамлакачилик зулмига қарши Миллий озодлик кураши тарихидан лавҳаижро этишди. Коммунистлар бошчилигидаги сўл фронт ҳокимият тепасида турган Ғарбий Бенгалия штати «Ҳокимият — халққа!» шиори остида композиция тайёрлаган. Мадҳья-Прадеш штати композицияси эса томошабинларни анъанавий равишда классик рақс фестивалларини ўтказиладиган, жаҳонга ўзининг ҳайкаллари билан машҳур бўлган Кхажураходаги ибодатхоналарга бир лаҳза назар ташлашга имкон берди. Жамму ва Кашмир штатининг вакиллари эса «Атроф муҳитни сақлаб қолайлик!» деб даъват қилдилар.

Ҳиндистондаги хилма-хиллик мамлакат бирлиги ва яхлитлигини инкор этмайди. Бу мамлакатда жаҳондаги энг йирик барча динларга эътиқод қўйган, неча юзлаб миллатлар ва элатларга мансуб бўлган кишилар ёнма-ён яшайдилар. Улар ўз байрамларини мамлакатда деярли ҳар куни нишонлайдилар, десак бўлади. Аммо икки миллий байрам — республика куни ва мустақиллик куни умумий байрамлардир. Бу эса мамлакат президенти Рамасвами Венкатараманнинг халққа байрам арафасида қилган мурожаатномасидаги «дини, тили, регион хусусиятлари ёки маҳаллий хусусиятлардан қатъи назар, барча кишилар ўртасида тотувликни, уйғунликни қарор топтириш бизнинг асосий бурчимиздир», деган даъватига энг яхши жавобдир.

ЗАКАВКАЗЬЕДАГИ ВОҚЕАЛАР ХУСУСИДА БИЛДИРИЛГАН ФИКРЛАР

Совет Закавказьесидаги таҳликали воқеалар жаҳон аҳлининг диққат-эътиборини тортмоқда, бу воқеаларни давлат арбоблари ва оммавий ахборот воситалари батафсил шарҳламоқдалар. Ер юзи матбуоти региондаги мавжуд муаммолар тезроқ бартараф этилади, деб умид билдирмоқда ва совет раҳбарияти экстремистлар фаолияти пайини қирқиш учун кўрган қатъий чораларни жаҳон аҳли умуман тушуниб турибди, деб таъкидламоқда.

✦ ИСТАНБУЛ. Туркия Нозирлар кенгаши бугун ўз мажлисида Озарбайжондаги воқеаларни муҳокама қилди, деб хабар берди Анатолий агентлиги. Мажлисдан кейин матбуот учун берилган баёнотда мавжуд муаммолар тезроқ ва тинч йўл билан ҳал этилади, деб умид билдирилди. Озарбайжондаги воқеалар, деб таъкидланади баёнотда, Туркия билан яхши муносабатда бўлган Совет Иттифоқининг ички ишидир. Ҳукумат шу боисдан тўқнашув жабрдийдаларига дори-дармон билан ёрдам беришни таклиф этди. «Жумҳурият» газетасининг хабар беришича, ҳозир АҚШда меҳмон бўлиб турган Туркия президенти Тургут Озал Озарбайжондаги мавжуд муаммоларни мулоқот йўли билан ҳал этишни ёқлаб гапирди. Шу билан бирга у бу Совет Иттифоқининг ички ишидир, деб таъкидлади. Туркия гижгижлаш позициясидан ўзини нари олади ва унинг рўй бераётган воқеаларга диққат-эътибор билан кузатиши СССР ишларига сира аралашиш эмас, деб ёзди газета ўзининг шарҳида.

Айни вақтда сўнгги кунларда Туркия парламентида «Туркия Озарбайжон халқининг тақдирига бефарқ қарай олмайди», — деган фикр-мулоҳазалар ҳам айтилди. Айрим депутатлар, гўё Бокудан олинган ахборотга таяниб, «Совет қўшинларининг ҳаракатлари натижасида инсон ҳуқуқлари ялписига бузилаётган вазият вужудга келди» деб даъво қилмоқдалар.

✦ ҚОҲИРА. Муаммони тинч йўл билан ҳал этишга узоқ вақт уринишлар бўлганидан кейин озарбайжонлар билан арманлар ўртасида миллий негиздаги тўқнашувларни тўхтатиш учун куч ишлатишга қарор қилинди, деб ёзди Мисрда чиқадиган «Ал Аҳром» газетаси. Қайта қуриш сиёсати совет давлатчилигига путур етказишга рухсат берилди, деган маънони англатмайди; бу қарор ҳам ана шуни аниқ-равшан кўрсатиб турибди. Ҳозир Бокуда содир бўлаётган воқеалар зўравонликка чек қўйишга астойдил уринишдир ва шундай қилиб озарбайжонлар билан арманлар ўртасида гражданлар уруши чиқиб кетишидек хавфга чек қўйишдир, деб таъкидлади «Ал Аҳром» газетаси.

(ТАСС).

«ГРИНПИС»НИНГ НОРОЗИЛИК КАМПАНИЯСИ

БРЮССЕЛЬ. «Гринпис» ташкилотига аъзо бўлган бельгиялик экологлардан бир гуруҳи Бельгия ва Испания капиталига қарашли целлюлоза-қоғоз қўшма корхонасида ишлаб чиқаришни тўхтатиш, сўнгра эса буғунлай тақиқлаш учун кураш кампаниясини бошлашга қарор қилди.

Ташкилот фаолларининг фикрича, мамлакат жанубида, Валонияда жойлашган бу фабрика район атроф-муҳитига жиддий зарар етказмоқда. Фабриканинг ишлаб чиқариш чиқиндилари ён атрофдаги яйловлар, ўтлоқлар, ўрмонлар ҳавосини ва дарёлар сувини ифлослантирмоқда ва ниҳоят маҳаллий аҳоли саломатлигига жиддий зарар етказмоқда.

Норозилик кампанияси доирасида корхона дарвозаси ёнида бир қанча намойишлар ўтказиш ва истеъмолчиларга фабрика маҳсулотини қабул қилишдан бош тортишга даъват этиш мўлжалланмоқда.

(ТАСС).

ЙИГИРМА КУНДАН СЎНГ

БЕЛГРАД. Югославия Коммунистлари иттифоқининг XIV (фавқулодда) съезди 20 кундан сўнг ўз ишини қайтадан бошлайди. ЮКИ Марказий Комитети Президиумининг Раиси М. Панчевский Белград радиоси мухбири билан суҳбатда шуни айтди. Шу вақт ичида, деб таъкидлади у, олий партия анжуманининг ишини давом эттириш ва ниҳоясига етказиш мақсадида барча шароитлар яратиш учун ҳамма ишларни қилиш керак.

Шунга кўра, деб ёзади «Политика экспрес» газетаси 24 январда бу анжуман Словения делегатларисиз ўтади. Бу делегатлар съездадан кетиб, Люблянга қайтганларидан сўнг «ЮКИ билан муносабатларни тўхтатишга» қарор қилдилар.



ЖАҲОН БЎЙЛАБ

✦ Мабодо Қувайт ҳақида гап кетгудек бўлса, кўз олдингизга ғоятда бой нефть конларига эга бўлган мамлакат келади. Чиндан ҳам шундай. Қувайт «қора олтин» туфайли ғоятда қолоқ мамлакатдан юксак тараққий этган ўлкага айланди. Ҳозирги Қувайт ўзининг супер танкерлари, бой нефть конлари, ойна ва бетондан қурилган ҳашаматли бинолари, кенг ва текис автомобиль йўллари, энг сўнгги техника билан жиҳозланган корхоналари бўлган мамлакатдир.

Қувайт шаҳри эса Яқин ва Ўрта Шарқнинг йирик молиявий марказларидан биридир. Шунинг учун ҳам унинг халқаро обрўси кундан-кунга ортиб бораётир. Ҳукумат бу ерда илм-фанни ривожлантиришга ва соғлиқни сақлаш ишларини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор бермоқда.

Юқоридаги суратда ичимлик суви билан тўлдирилган резервуарлар. Унинг баландлиги 150 метрдан ҳам ортади.

✦ ГДР. Росток округининг Рюген оролидаги Зеллин шаҳрида мавжуд бўлган шоҳона меҳмонхоналар эндиликда мамлакатнинг турли шаҳарларидан ҳамда чет эллардан келган кишиларга хизмат қила бошлади. Илгари бу меҳмонхоналар Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг тасарруфида эди. Меҳмонхона территориясида сузиш ҳовузлари, сауналар, турли спорт иншоотлари ва бошқа кўнгил очар жойлар бор. Меҳмонхона хизматчилари 170 кишидан иборат.

Пастдаги суратда: меҳмонхона биноси.

(ТАСС суратлари).

ЯНГИЛИК МУАММО ТАКЛИФ

• Якшанба саҳифаси •

ВОҚЕА ШАРҲ ХАБАР

• Эл соғлиги—юрт бойлиги

«Ҳурматли редакция, иссиқ жон борки — вақти келиб бетобланади: шифокорларга мурожаат қилади. Шифокорлар эса ўз навбатида бир неча хил дори-дармон рецептини ёзиб беришади. Агар бу дорилар мамлакатимизда тайёрланган бўлса баҳарнос — топиш мумкин. Лекин чет элники бўлса-чи!. Уни излаб топиш амри-маҳол. Бу соҳада таниш-билиши йўқларга айниқса, қийин. Нега шундай!

С. ШОРАСУЛОВ,

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси мастери.

О. ИСМАТУЛЛАЕВ,

«Узбекхим» ишлаб чиқариш бирлашмаси катта машинисти».

ДОРИЛАР НЕГА КАМЁБ?

Республикамизда ҳар йили икки мингдан ортиқ номдаги дори-дармон воситалари амбулаториялар ва стационарлардаги беморларни даволаш учун шифокорларга етказиб берилади. Бироқ у йилдан-йилга камайиб бормоқда. Ҳозирги пайтда республика соғлиқни сақлаш муассасалари ва аҳолининг дори-дармонларга бўлган эҳтиёжи 81 фоиз қондирилмоқда, холос. 263 номдаги дорилар умуман ажратилмаган. Кўпчилик талаб қиладиган валокардин, маймунжийда ёғи, лидаза, женьшень эритмаси, линкомицин, эссенциале, 5-НОК, АТФ, рибоксин, румалон, раверон, кокарбоксилаза ва бошқа дорилар камёблигига барҳам берилмаганлиги ҳақли эътирозлар туғдирмоқда.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги қошидаги «Фармация» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда аҳолига дори-дармон етказиб беришни такомиллаштириш борасида тегишли тадбирларни ишлаб чиқди. Шунга қарамай, дорихоналарда кўпинча у ёки бу дори-дармонни излаб тополмайсиз. Бунинг асосий сабаби Ватанимиз саноати ва чет эл фирмалари бизнинг буюртмаларимиз юзасидан олган мажбуриятларини бажармаётганидир. Соҳадаги тақчилликнинг яна бир сабаби, кейинги пайтларда у ёки бу дорига қизиқиш «одат»га айланиб бормоқда.

Турли дори-дармонлар ана шу тарика истеъмол қилиш «заруратн»га айланиб қоляпти. Маълумки, ҳамма дориларни ҳам фақат вақт синовдан ўтказади. Агар дори-дармон шу синов пайтида мақсадга мувофиқ топилса хўб-хўб, бўлмаса унга қизиқиш камаяди. Эсимда, 70-йилларда В—15 витамини (кальций пангамати) барча касалликларга шифо, деб ҳисобланарди. Бугунги кунга келиб эса унга қизиқиш бошқача. Яна бир мисол. Японияда чиқадиган гаммалон-сму препарати ўз вақтида фалажга қарши мўъжизакор таъсир кўрсатувчи дори, деб ҳисобланарди. Эндиликда худди шу дори Ватанимиз саноатида аминалон номи билан чиқарилаётир. Лекин унинг ҳеч қандай афсункор хусусияти йўқ.

Ҳозирги пайтда юқорида номлари тилга олинган маймунжийда ёғи, лидаза, АТФ, рибоксин сингари дориларга талаб ортган. Шуни унутмаслик керакки, бу дорилар фақат врач кўрсатмаси билан қабул қилингандагина яхши самара беради. Лекин баъзи бир беморлар ўйлагандек мўъжизакор кучга эга эмас ва ҳаммага бирдек мос ҳам тушавермайди. Ана шундай дори-дармонларга қизиқувчилар врачларга ялиниб-ёлвориб, навбатга ёзилиб қўйиб, узоқ муддат буюртмаларининг дорихоналарга келишини пойлайдилар. Худди шундай таъсир кўрсатувчи бошқа номдаги дориларни эса менсимайдилар. Шундай ҳодисалар ҳам бўладики, баъзилар врач белгилаган дорини сотиб олишдан бош тортишади. Чунки, улар мўлжаллаган дорини бошқа мамлакат мутлақо бошқа номда чиқарганини билишмайди. Бу тиббий тилда «синоним» деб аталади. Масалан, Югославияда тайёрланадиган баралгин препарати Болгарияда чиқариладиган спазмалгон ёки Венгрияда чиқадиган реопирин препаратлари бир хил шифо бериш қувватига эга.

Чехословакияда тайёрланадиган пиробутол билан СССРда тайёрланадиган амидопиринли бутадион бир хил таъсир кўрсатади. Ёки бўлмаса бизда тайёрланадиган АТФ Руминияда ишлаб чиқариладиган фосфобион билан тенг. Илгари Югославиядан келтириладиган вольтарен дорси мамлакатимизда ортофен, Венгрияда седуксен, Польшада реланиум номи билан чиқади. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Бироқ дорихона ходимлари булардан яхши хабардордирлар. Шунинг учун бу дориларнинг синоними, яъни ўрнини босадиганларини ҳеч иккиланмай сотиб олиш керак. Врачлар эса рецепт ёзаётганда дорихонада у ёки бу препарат бормийўқлигини аниқ билишса яхши бўларди. Бу ерда катта психологик вазият ҳам бор. Агар бемор врача ишонса, у ёзиб берган ҳар қандай номдаги доридан ҳам даво топиши муқаррар.

Шундай қилиб, барча дори-дармонлар асосан ихтиёрларида бўлган шифокорлар даволаш воситаларининг ҳозирги ҳолати ва келажагидан ўз вақтида воқиф бўлиб туришлари жуда муҳимдир. Шу мақсадда махсус «Фармацевтика ахбороти» хизмати йўлга қўйилган. Барча шаҳар ва областларда унинг бўлинмалари бор. Шунингдек, бундай хизмат республикамизнинг 240 та йирик даволаш профилактика муассасасида ҳам ишлаб турибди. Бироқ бир ёқлама ҳаракат қилиш билан зарур натижаларга эришиб бўлмайди. Врачлар дорихоналардан дориларнинг миқдори ва турлари ҳақида келаётган маълумотлардан доимо хабардор бўлиб туришлари шарт. Акс ҳолда беморлар керакли препаратларни дорихоналардан ололмай чиқиб кетадилар. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бугунги кунда бирон-бир касалликни фақат биттагина дори билан даволашнинг иложи йўқ. Одатда бир нечта, баъзан ўнлаб бир-бирига тенг препаратларни қўлланиш керак бўлади. Бир неча мисол келтираман. Айтайлик, ампулали алоэ йўқ. Лекин айни вақтнинг ўзида сизга гумизоль, фибс, торфот, биосед сингари дориларни тавсия қилишлари мумкин. Булар алоэнинг ўрнини боса олади. Агар аллохол йўқ бўлса, сизга ундан самараси кам бўлмаган фламин, оксифенамид, никодин ва бошқаларни таклиф қилишлари табиийдир.

Ревматизмга қарши воситалар ҳам кўп. Хлотазол, пироксикам, ортофон, ибупрофен, индометацин ва бошқалар мана шу касалликка шифо бўлиши мумкин. Агар иккисидан бири бўлмаса ҳам, бемор безовта бўлиши керакмас. Чунки замонавий дори-дармон воситаларининг бошқаси билан даволаш мумкин бўлади.

Дорихонада топилмаган дорини қидириш эса бемор учун оғир. Энг. муҳими даволаш учун кетадиган зарур вақтини йўқотади. Бу оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бу йил чет элдан сотиб олинадиган дорилар миқдори 12 процентга оширилди. Ватанимизда тайёрланаётган дорилар ҳам кўпайди. Бу врачларга беморларни самаралироқ даволаш имконини беради. Масалан, дорихоналар тармоғи ва даволаш-профилактика муассасаларига Испанияда ишлаб чиқарилган янги юқори самарали фосфоцин антибиотиги келиб тушмоқда. У болалар учун суспензия шаклида, катталар учун эса капсулаларда тайёрланган. Бу препарати ичак, сальмонеллез, сийдик йўлларининг оғир ва сурункали касалликларида, дерматологик инфекцияларда, ўпка шамоллашида, жарроҳлик ва травмотологияда кенг ишлатилиши мумкин.

СССР Олий Советининг биринчи сессиясида эълон қилинганидек, чет эллардан дори-даромонлар сотиб олиш учун ҳукуматимиз томонидан анчагина маблағ ажратилди. Бугунги кунда чет эллардан 350 миллион сўмлик (валюта билан) дори-дармонлар сотиб олиш юзасидан келишиб олинди. Яна 150 миллион сўм — валютага шартномалар тузиляпти. Дори-дармонлар ГФР, Буюк Британия, АҚШ, Ҳиндистон, Дания, Югославия, Туркия ва бошқа мамлакатларнинг йирик фирмаларидан келтирилади. Юрак-қон томир касалликларини даволаш учун 124 миллион сўмлик, 200 миллион сўмлик антибиотиклар, қант касаллигига қарши кўп миқдорда дори-дармонлар сотиб олинди. Турли шишларга ва силга қарши дорилар ҳам ана шу рўйхатга киради.

Дорихоналарни дорилар билан таъминлашдаги узилишлар туфайли кўпгина беморлар ана шундай дориларни кўплаб йиғиб қўймоқдалар. Бу ярамайди. Чунки даволаш воситалари маълум муддатгача фойда келтириши мумкин.

Яна бир нарсага эътиборни қаратиш зарур. Яқин келажакда чет элдан кўплаб дори-дармонлар олинади. Баъзилар қайси йўл билан бўлмасин ана шу дориларни қўлга киритиш пайида бўлишлари турган гап. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, дори-дармон фақат врач кўрсатмаси билан ва дорининг ўзига ҳослиги ҳисобга олинган ҳолда истеъмол қилинсагина фойда келтириши мумкин. Бу тартиб қоидани ҳар биримиз ёддан чиқармаслигимиз керак.

Ҳ. ДАВЛАТОВ,

«Фармация» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори.

• Мўъжизасиз мўъжиза

ОҲАНРАБОЛИ ОДАМ

Автомобиль ҳалокатидан кейин Султонбойнинг кўнгли ёришмади. Бонси, шифохонада даволансада, кўзлари аслига келмади. Қовоқларини юк босгандек, киприкларини кўтаролмай юрди. Москвада ҳам даволанди, бўлмади. Хивадаги биотокли одамга учрашиб кўришни маслаҳат беришди. У, бу борада эндигина танилаётган Кларага мурожаат қилди. Биринчи муолажадан кейин Султонбойга кўз-қовоқлари майинлашгандай туюлди. Яна тўрт марта муолажадан кейин батамом соғайиб кетди.

Редакциямизга истараси иссиққина мўйсафид кириб келди:

— Мана, булар менинг қизим билан неварам, — деди у, ўзини Жуманиёз деб таништираркан. — Болаларимнинг антиқа қувватларидан ҳайратдаман.

Маълум бўлишича, у кишининг қизи Клара Хивада, «Октябрь 50 йиллиги» кўчасидаги 1-уйда яшайди. 39-ҳунар-техника билим юртининг филиалида тикувчиликдан амалий машғулот олиб боради. Турмуш ўртоғи, икки фарзанди бор. Оддий оила соҳибаси. Кунлардан бир кун қизи Нилуфар ўқийдиган Миршаропов номли мактабдан чақириб: «Нилуфарда биоток борлигини биласизми?» дейишди... Шундай бўлиб чиқди. Мурғак қизча қўлига нимани олса, ёпишиб қоларди. Демак, қизчада оҳанрабо-магнит майдони бор экан, онасида ҳам бўлиши мумкин, деган фикр туғилди...

— Она-болани Хива шаҳар шифохонасининг неврология бўлими мудири, медицина фанлари номзоди Машариф Ғойибов ҳузурига олиб бордим, — дейди Жуманиёз ака. — Тажрибали шифокор она-боладаги бу қудрат чиндан ҳам ҳақиқат эканлигини эътироф этди. У, Кларага янги касб-экстрасенслик билан шуғулланишида оқ йўл тилади.

Клара куни-кеча Собир Раҳимов районидаги Абу Али ибн Сино номли табобат кооперативи мутасаддилари ҳузурида қудратини намойиш этди, уларнинг маслаҳати ва берган ҳужжатини қўлга олди. Мутасаддилар Кларанинг Хивада биоток воситасида бемор кишиларни даволаши мумкин эканлиги ҳақида ҳам шартнома ҳужжатини беришди.

— Сиз беморларга диагнозни қандай қўясиз? — сўраймиз ёш экстрасенс Клара Жуманиёзовадан.

— Мен диагноз қўя олмайман. Медицина соҳасидаги билимим ҳали етарли эмас. Келгусида кўп ўқиб, ўрганишимга тўғри келади. Диагнозни бемор кишининг ўзи айтса бас, менинг муолажам ўрнига тушади.

— Яна қандай кишиларни даволадингиз?

— Тўрт ёшли жияним Лайло туғилгандан бери юрмас эди. Мен кафтларимни унинг оёқларига олти марта тутган эдим, у чопқиллаб юриб кетди. А. исмли қиз фалаж эди. Уйдан кўчага чиқолмасди. Ҳозир у ўзининг ғайратидан завқланади.

— Сиз Кашпировскийнинг экран чиқишларини кўрган бўлсангиз...

— Биринчи кўрсатувни томоша қилганимда ҳамма ёғим қизиб кетган эди. Энди билсам, мендаги биоток етарли экан.

— Сиз бирор воқеани олдиндан башорат қила оласизми?

— Қайдам. Ҳар ҳолда тушда кўрганларим ўнгимда юз беради. Бундан ташқари бирор ишни ўйласам, унинг тез ва осон рўёбга чиқишини сезиб тураман.

— Режаларингиз қандай?

— Хивада маҳаллий соғлиқни сақлаш идоралари мени қўллаб-қувватлашса, айни муддао бўлур эди.

— Нилуфар нима қилади?

— Ҳозир ёш. Унинг ўқиши керак. Мактабни битиргандан кейин ўйлаб кўрармиз.

А. ПЎЛАТОВ.

Клара Жуманиёзова қизи Нилуфар билан кафтдаги оҳанрабони намойиш этишмоқда.

В. Молгачев сурати.

ОТАХОНЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАБ

Яқинда Уруш ва меҳнат ветеранлари республика Кенгашида яна бир йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ветеранларнинг етмиш, саксон йиллик таваллудларини нишонлашни анъанага айлантиришга келишиб олинди. Бу гал Абдулла Имидович Ўразаев, Толиб Содиқович Содиқов, Қаюм Қодирович Ерзиннинг узоқ йиллик қутлуғ ҳаёти, бой ва сермазмун меҳнат фаолияти жамоат ташкилотлари, шогирдлари, тенгдош дўстлари томонидан эъзозланди.

Кенгаш раиси Р. Ғуломов бири партия ходими, бири зиёли-ўқитувчи бўлган бу ҳурматли кишилар ярим асрдан зиёд умрларини халқ ва партиямиз ишига бағишлаганини, ҳалол ва камтарона яшаб-ишлаганликлари хусусида тўхталди.

Кеча охирида юбилярларга эсдалик совғалари, гулдасталар тақдим этилди.

Т. РУСТАМОВ.

✦ ЎТМИШ САДОСИ

БОЙ ОСГАН ҚУЛФ

Бизнинг қишлоқни Чорбоғтўранги дейишади. Қишлоқнинг ўзига хос чиройи бор. Бу ерда иккита магазин, кутубхона, медицина пункти, клуб мавжуд бўлиб, фойдаланишга топширилган ҳаммом хизматидан кўпчилик мамнун. Қўшқаватли мактаб биноси бор. Чойхона ва касалхона қурилишлари давом этмоқда. Лекин гап бунда эмас. Ана шу замонавий бинолар қаторида узоқ ўтмишни ёдга солувчи яна бир «кулба» бор. Мен уни «бойнинг қасри» дегим келади. Ана шу қадимий меъморчилик анъаналари тарзида бунёд этилган обиданинг кўз ўнгимизда нураб бораётгани ачиналарнинг.

Кексаларнинг айтишича, бу бинони шу ерлик бой қурдирган экан. Кўп хотинли бу бой турли ерлардан таклиф қилинган қўли гул усталарни ишга солган ҳолда мақсадга эришган экан. Қасрнинг безаклари бироз нурсизланган бўлишига қарамай, жозибаси ҳамон диққатни тортади. Қизиғи шундаки, бу бинонинг довруғи таралиб, бошқа бойлар ҳам ўша усталардан фойдаланишга ва ўзлари ҳам шундай қасрлар қурдиришга чоғланган эканлар. Зотан, бу даврда Улуғ Октябрь инқилобининг нафаси бизнинг қишлоқларга ҳам етиб, улар ниятига етолмай қолганлар.

Бир нарса кишини ҳайрон қолдиради. Ўз ҳаловатини кўзлаб қочган бой осиб кетган қулф ҳануз очилмай турибди-я. Наҳотки, кимдир неча ўн йилдан бери бу ерни очиб, кўришга журъат этмаган бўлса. Ахир, қадимий обидани ҳозирги авлод учун фойдаланишга берилса, мақсадга мувофиқ бўлмасмиди? Қани энди қаср қайта таъмирлансаю, ҳаммабоп маданият кошонасига айланса.

Х. ЧИЛМАТОВА,

Киров райони.

✦ ТАБИАТ НЕЪМАТЛАРИ

ҚОВОҚНИНГ ҲОСИЯТИ

Ўзбекистонда қовоқнинг 50 га яқин тури мавжуд. У ҳам неъмат, ҳам шифодир. Халқ табобатида йўтал, кўкрак ва томоқ оғриқларини даволашда фойдаланилади. Унинг мевасида қанд, пектин, калий, кальций, магний тузлари, темир, С, В1, В2, РР витамини, ва А полувитамини каби моддалар бор. Уруғида эса 50 фоиз ёғ, фитостеринлар, органик кислоталар, смола бор. Қовоқ ошқозоничак тракти, йўғон ичак яллиғланишга даво. Мевасидан олинган шира ангина касаллигини даволашда наф келтиради. Таркибидаги пектин моддаси организмдан холестеринни чиқариб юбориш хосияти борлиги учун ошқовоқ атеросклерозда жуда фойдали. Яъни паришонхотирликнинг олдини олади. Ошқовоқнинг хом эти ичакнинг иш фаолиятини яхшилайди ва ич қотишига қарши қўлланилади. Юрак ва қон томирларида, камқонликда, пешоб ҳайдашда, экзема каби касалликларда ва тери куйганда ҳам қўлланилади.

Халқ табобатида буйрак ва жигар хасталанганда ишлатилади. Уйқусизликда ва безовта бўлганда ошқовоқнинг қайнатмасини асал билан бирга стаканнинг учдан бир қисмида ичиш тавсия этилади.

Ошқовоқ уруғидан гижжага қарши дори тайёрланади. Хўш, у қандай қўлланилади? Бунинг учун ошқовоқ уруғи олиниб, кўкиш қобиғи сақланган ҳолда бирор идишда майдаланади. Сўнг асал ёки мураббо (100 граммга 300 грамм уруғ нисбатида) билан аралаштирилади. Эрталаб оз-оздан бир соат мобайнида беморга берилади. Уч соат чамаси ўтгач, сурги дори берилади. Болалар учун қовоқ уруғи 3-4 ёшга 75 грамм, 10 ёшга 150 граммдан тавсия этилган.

Ошқовоқнинг уруғи ҳозирги пайтда дорихоналарга юборилмоқда.

М. МИРЗАШАРИПОВ.

✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ

КУРАШ: ҒОЛИБЛИК СУПАСИДА

Татаристоннинг Заинск шаҳрида РСФСР очиқ чемпионати ўтказилди. Миллий кураш мусобақаларида Қирғизистон, Туркманистон ва Ўзбекистон полвонлари ҳам ўзаро беллашдилар. Мусобақага пухта ҳозирлик кўрган майдон эгалари биринчиликни қўлга киритишди. Республикамиз полвонлари ғолиблик супасининг иккинчи поғонасига кўтарилдилар.

БОКС: НАЗАРГА ТУШДИ

Луцк шаҳрида мамлакат чемпионатининг саралаш баҳслари давом этмоқда. Чарм қўлқоп усталари ярим финалга чиқиш ва совринли ўринларга даъвогарлик қилишга ҳаракат қилишмоқда. Мусобақада иштирок этаётган республикамиз вакили Игорь Бунин ярим финалга чиқиш учун курашда СССР терма командасининг аъзоси, москвалик Андрей Киселевни мағлубиятга учратди.

• Шеърият дафтаридан

Андижон ироғи

Бугун сўлим бўлибдир Қорадарё қирғоғи,
Шўх боладай ўйноқлар жилғаларнинг ирмоғи.
Жилғаларнинг ирмоғи, сирримни сенга айтсам,
Висол эрур оқшомлар юраккинам сўроғи.
Юраккинам сўроғи: тинчлик бўлсин жаҳонда,
Ва, ўчмасин ҳамиша дарёларнинг чироғи.
Дарёларнинг чироғи кўзимни олса майли,
Яна сулув кўринар ёргинамнинг яноғи.
Ёргинамнинг яноғи сўлишни билмасин ҳеч,
Билмай ўтайлик недир муҳаббатнинг қийноғи.
Муҳаббатнинг қийноғин билмаган йўқ оламда,
Ўртар бугун, ҳайҳотки, гўзал санам фироғи.
Гўзал санам фироғи Олимжонга ғазалдир,
Майли ошкора этсин Андижонинг ироғи.

Севиб қолганга ўхшар

Мажнунтол беланчаги учишларига борман,
Сочпопуклар фаслига ҳамиша интизорман.
Адирларга лолалар чойшабин ёзганида,
Унинг қўшиғин тинглаб еллар каби бедорман.
Лолалардан Лолага гул тутиб, хушнуд этиб,
Яшнатиб бу оламни кулдирелган баҳорман.
Бир умрга юракни қўшиқ қилиб, шеър қилиб,
Юракларга йўл излаб юрувчи бахтиёрман.
Десангиз гар Олимжон севиб қолганга ўхшар —
Ҳақсиз, бу Ватан ишқи, муҳаббати ошкорман.

Олимжон ХОЛДОР.

Ёзаман

Қуёшга талпинган юрагим
Биламан, шабнамдек тозадир.
Товланса камалак қўйлагим
Дунёни ҳаяжон босадир.

Майлига, сиз мени англаманг,
Барибир чиройли сўзлайман.
Узингиз мард бўлиб, тан олинг —
Мен аҳир онадек ўйлайман.

Заминнинг босмаган изиман —
Қуёш ҳам жовдирар кўзимга.
Бағри кенг дунёнинг қизиман —
Ҳавасим келади ўзимга.

Меҳрим-ла боғласа ярасин —
Бир малҳам бўлишга розиман.
Халқимнинг ҳар олган нафасин —
Мен энди шеър қилиб ёзаман!

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

Шахмат ажойиботлари

● **Маълумки, Алёхин тахтага қарамай ўйнашда катта маҳорат эгаси бўлган. У бир неча тахтадаги вазиятларни ёдда тутиб, бир йўла ўйин сеансларини муваффақиятли ўтказарди.**

Шундай сеансларнинг бирида Алёхинни чеккиси келиб қолди. Аммо гугуртини топа олмади. Шу пайт томошабинларнинг бирига мурожаат этди:

— Малол келмаса гугуртингизни бериб турсангиз! Узимникини унутибман. Ҳотирамнинг пастлигини қаранг-а!..

● **Аргентинада ўтказилган бир йўла ўйинда Алёхининг рақибларидан бири қувноқ ва баланд овозда:**

— Устоз, сизни уч юришда мот қиляпман! — деди.

— Узингизни масалангиз икки юришда ҳал бўладиган бир пайтда учинчисига бало борми!

● **Халқаро турнирларнинг бирида собиқ жаҳон чемпиони Алёхин ўйиннинг ёмон аҳволда кечиктирди. Келаси куни талтайиб кетган рақиби, гроссмейстер Тартаковерга юз берган вазиятни кўрсатиб, тахтада асосий ҳал қилувчи вариантларни намойиш этди-да, ундан сўради:**

— Сизнингча бу ўйинда ким ютади!

— Алёхин, — дадил жавоб берди Тартаковер.

— Нимага энди, — ҳайрон бўлди мастер, — менинг позициям яхшироқ-ку!

— Ахир, сиз мендан кимнинг позицияси яхшироқлигини эмас, балки ким ютишини сўрадингиз-да.

Ўйин давом эттирилганда Алёхин ютиб чиқди.

Тоҳир МУҲИДДИНОВ тайёрлаган.

• Реклама ва эълонлар •

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси

ИҚТИСОД ИНСТИТУТИ

«Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали билан биргаликда

1990 йил 14—15 март соат 15.00 да

«Ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ва ўз-ўзини бошқариш шароитларида Ўзбекистон иқтисодий потенциалидан рационал фойдаланиш» масалалари бўйича

ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗАДИ

Учрашувга олимлар, министрлик ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари, корхона ва ташкилотларининг ходимлари таклиф қилинади.

Давра суҳбати қатнашчиларининг таклиф ва мулоҳазалари, ҳамда юборилган бошқа материаллар «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журналида босиб чиқарилади.

Бизнинг адрес: 700170, Тошкент шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 9-уй, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Иқтисод институти.

Бутуниттифоқ Марказий меҳнатни муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот институтининг

ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ

Шахсий ҳимоя воситалари лабораториясининг илмий ходими

ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ 15 КУН.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700109, Тошкент шаҳри, Қамарнисо кўчаси, 37-уй (10э, 28э, 34э, 82-автобусларнинг «Медиклар шаҳарчаси» бекати). Телефон — 46-66-02.

СССР МЕҲНАТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

МЕҲНАТ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ФИЛИАЛИ

«НИССА» маркали янги микроавтобусни ишлатилган «ВОЛГА» ГАЗ—24» енгил автомашинасига

АЛМАШАДИ

Қуйидаги телефонлар бўйича мурожаат қилиш мумкин: 41-76-11, 41-78-10, 41-76-06.

ТОШКЕНТ ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ РЕМОНТИ ВА УНГА ТЕХНИКА ХИЗМАТИ КЎРСАТУВЧИ ТАЖРИБА ЗАВОДИ ТАШКИЛОТЛАР, КООПЕРАТИВЛАР ВА ГРАЖДАНЛАРГА

Ватанимизда ишлаб чиқарилган дискеталарни

СОТАДИ

Маълумотлар олиш учун телефонлар — 76-88-33, 76-13-60.

МАРҒИЛОН ЁҒОЧСОЗЛИК ЗАВОДИ

қурилиш ташкилотларига 2 ва 3 хонали темир-бетон уйларнинг яхлит қолипларини сотиш имкониятига эга.

Справкалар учун қуйидаги адресга мурожаат қилишингиз мумкин: 713712, Марғилон шаҳри, Н. Ҳолматова кўчаси, 65-уй. Телефонлар: 7-15-15, 7-25-55; телетайп 166617 «ДОЗ».

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28/I да **Спартак** (12.00), **Оловли фаришта** (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/I да **Ҳазрати аёл** (19.00).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/I да **Гўзаллар ва миршаблар** (12.00, премьера), **«Яншанба оқшомида» программаси «Отасининг қизи».** Драма актёрлари куйлайди, Фармонбиби аразлади, 17.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28/I да **Аршин мол олон** (19.00).

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 02059. № 24. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12